

ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ

ҚҰП ТОМЛИК



ДОСТОНЛАР



МАЛЛА САВДОГАР

Айтувчи: *Жўра Эшмирза ўғли.*

Ёзиб олувчи: *Мансур Афзалов.*

Нашрга тайёрловчилар: *Тўра Мирзаев ва Зубайда
Хусаинова.*

Саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўпхонали Чамбил, бош тоғи Палопон Чамбил, нарёғи Болхивон Чамбил. Тўрт ярим лак турқман эл, ўн икки минг манжаси бор, қирқ олти сардор, амалдор, жиғадори бор. Бир Чамбили пештоқли, Гўрўғлининг ўтириши ўмоқли, кўрар кўзга қўноқли, нуқра маҳрам тобоқли, бефарзанд сийнаси доқли, бефарзандликдан азоб тортган неча чоқли, ботири бодам қобоқли, маҳрами тилла пичоқли, найзаси олтин садоқли, ана шу салтанатда Гўрўғли ётар экан.

Авазхонни олти ёшда Хунхор мамлакатидан олиб келган. Авазнинг бош отасини Булдураксод дейди. Саккиз ёшида мактабга олиб бориб қўйган, тўққизида доводнинг қаламини тўғирлаб калимаи шарифни кўнглига битиб олган, ўн ёшида от минмоқни талаб қилган, ўн бирида Гўрўғли Сулдуз тоғига бирга олиб чиққан. Сулдуз тоғининг устида якка арча бор экан, шу арчанинг тагига макон қилди, қирқ чилтанлар, Хизир бобо ҳам келди. Бу кеча шулар билан суҳбатда бўлди. Эртаси тонг отди, сўфи азон айтди, дарвешлар намоздан қайтди, қўшқўллаб фотиҳани бетга тортди. Кун ҳам чиқиб чошкага етди. Гўрўғли қирқ чилтанлардан дуо тилади. Қирқ чилтан қўлини дуога очиб, Авазнинг ҳақиқага милтиқ ўқи тегса қор қилмайдиган дуони тиладилар. Хизир бобо марҳамат қилиб, жойларидан туриб, Авазнинг камарини белига буғдилар.

Адир ер аланг-аланг,
Савдогарлар сёлар паланг,
Беш ярим газ лайли Фиротни
Ҳазрати Қамбар тутди кўндаланг,
Ишини солмай бангига,
Сигиниб Бобо Зангига,
Пирим, деб оёқ қўйди
Гўладан узангига.
Очилган боғнинг гулига,
Тили келиб калимага,
Унг қўли чўзилиб кетди,
Олтин эгар қабзалига.
Чап қўли рост бўлиб етди
Отнинг майин ёлига.
Ё, пирим, деб чўкади
Араби тулпорнинг белига.
Фиротнинг ўнг жиловини
Рост қиб бурди Чамбил йўлига.

Отнинг бошин бурди,
Чарх уриб даврон сурди.

Ана энди Гўрўгли султон тўрт яшар Фиротни Авазга энчи қилиб берди. Гўрўгли ва Авазхон Чамбилга етиб келдилар. Чамбилда катта йўл бор эди. Савдогар тинмай қатнаб турар эди. Мана шу чорраҳа йўлдан Авазга жой солиб бермоқчи бўлди. Гўрўгли қошига тўрт ярим лак туркман эл, қирқ олти сардор, жигадор, муҳрдор, намакхўрдалар йиғилиб келди. Оқ айил, олтин тўқаси, оқ совут, марвар ёқаси, дююм Чамбилнинг эгаси, Гўрўглининг Аҳмад тоғаси келиб, Гўрўглига салом берди, Аҳмад тоғаси фотиҳани бетига тортди. Уртага чилочин қўйиб, маҳрамлар шунга халқнинг қўлини ювдирди, олтин сочиқ билан қўл сурттирди.

Утар дунё, чиқар жон,
Ҳар гиёдан териб дон,
Худо берса ўглини,
Улмасдан қилинг саводхон.
Авазим, деб, ёзади
Машрадан қилган дастурхон.
Беклар минар тулпорчани,
Туркман келтирар жулчани,
Азизим, деб, ташлайди
Равғони ширмой кулчани.
Худонинг нури сизу биз,
Сарғаймасин нурли юз,
Таом келади изма-из,
Азизим, деб, тўкади
Тақсимчада майда майиз.
Маҳрам қўлида тилла жом,
Олиб кел, дейди, дам-бадам,
Азизим, деб, тузади
Чақилган писта-бодом.
Ёд айлаб қодир ҳақди,
Савдогарлар тортар лўкди,
Азизим, деб, ушатди
Қутидан қанду наввотди.
Беклар минар тўбичоқ,
Қизлар ўйнар қўғирчоқ,
Навниҳолдай келинчак,
Азизим, деб, тўкади
Қурси, печаги қандилак,
Хаста бўлмасин Авазим,

Ойдаи олов бўлсин юзим,
 Азизим, деб, олиб келди
 Тойипи осма узум.
 Обод қилиб Чамбил қўшини,
 Ҳаққа қилиб нолишини,
 От чопганда майдон аро.
 Чангитиб дала-даштини,
 Азизим, деб, олиб келди
 Девзира биринч ошини.
 Ҳаққа солганда ишини,
 Қўздан тўкмасин ёшини,
 Ҳурмат қип шунча кишини,
 Азизим, деб, босиб келди
 Тандири шарбоз гўшини.
 Осмонда бордир ёрқин ой,
 Бандам, десин қодир худой,
 Миршоб қўлинда талпинди
 Чакаси олтин қарчиғай.
 Одам — турпоқдан, бошдан — лой,
 Азизим, деб, дамлаб келди
 Ҳазими таом,— аччиқ чой.
 Ойлар қиблага ботди,
 Бевафо ёлғончи ўтди,
 Азизим, деб, тўққиз турда
 Таом тортди.
 Дастурхончи изига қайтди,
 Очириб боғда гулини,
 Сайратиб ширин тилини,
 Олинг, деб, ҳамма баробар
 Таомга қўлини узатди.
 Отни майдонда желиб,
 Халқ давлатхонага келиб,
 Келган таомни еб бўлиб,
 Қўлида даста гулини,
 Жам қилиб туркман элини,
 Таомнинг ҳақиға дуо қилди.
 Саҳарда саҳоба юрди,
 Расул бир, ҳақ худо бирдир,
 Таомнинг ҳақиға халойиқ
 Қўш қўллаб фотиҳа тортди.

Ана шунда Гўрўғли султон халойиққа овқатни едириб бўлиб:

— Қани энди, халойиқ, маслаҳатни беринг, Авазхонга жой-манзилни қаердан созлаб берсак тўғри кела-

ди?—деди. Халқу халойиқ туриб фикр билан:—Савдогар, карвон ўтадиган, ҳез-ҳаромза ўтиб қайтадиган, арзачи, тўғачи, элчи, ғончи ўтиб қайтадиган чорраҳа йўлнинг устидан Авазхонга тўғри келмаса, бошқа ҳеч бир одам удда қила олмайди. Ё тақсир, амири Гўрўғли султон, тағи соҳиби ихтиёр сизда,— деди. Шунда олтин коса, олтин пиёла, тақсим устида мисқоли чойнак, маҳрамлар чой сузиб берган чоғи эди. Ҳамма шу айтигандан кейин Гўрўғли султон ўйлаб туриб, маҳрамлар қуллуқлаб туриб:

«Энди Аҳмад тоғамнинг вазир деган номи бор, Аҳмаддан бир сўрай-чи, нима жавоб чиқади»,— деб Аҳмад вазирдан сўради:— Аҳмад тоға, халқнинг шу берган жавоби қандай?— деди. Шунда Аҳмад вазир жойидан туриб, уч мартаба қуллуқ қилиб, тўққиз мартаба маъзур қилиб:— Ё, Гўрўғли султон, аввали худо, дуоми,— элу халққа маъқул бўлса, сеюми, сиздай соҳиби мамлакатга маъқул бўлса, биздай қари дуоғўй тоғангизга ҳам маъқул. Мен ҳам шу гапни кўнгилдан ўтказиб туриб эдим. Мендан сўрасангиз-сўрамасангиз Авазхонга олти ой тўй берган вақтда шу жойдан Авазхонга бир жой қилиб берса, деб кўнглимдан ўтқариб эдим. Халқ ҳам менинг кўнглимнинг устидан, гапирди. Кўнгиллар ойнадан равшан бўлди,— деди.

Гўрўғли оёғини ерга тираб, бошига шolini ўраб, сўм юраги ҳансираб, аждаҳордай гуркираб, шунча йиғилган халққа қараб, шунда лаълдан, зумраддан, гавҳардан, қимматбаҳо тошлардан гулқору усталарга ҳукм қилди. Уста-ишчилар бир йилда Авазнинг жойини битирдилар: Жой-манзили заркамарда Авазхон чарх уриб, даврон суриб ёта беради.

Ойдан ой ўтди, кундан кун ўтди, ой Жузумкўзнинг бўйига етди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа тамом бўлиб, вақти пойқадамга келди. Бир кеча оёқ устида ўлтириб, саҳар-саҳар чоғи худо бир қиз берди: қўш кокил — бири нуқра, бири тилла. Ана шунда Гўрўғли жуда ҳам хурсанд бўлди. Уч кун гавора тўйи¹ берди. Тўйни тарқатиб, муллаю эшон-у муфтилардан:— Сизлар бунинг номини қўйиб беринглар,— деб сўради. Муфти, олимлар:— Эй амири султон, сиз ёлғончидан бефарзанд, безурёд ўтиб бораяпсиз, бунинг оти сизга ҳам маъқул бўлса, ой Гулнор бўлсин,— деди. Бундан кейин Гулнор уч ёшга кирганда, ўғли Нурали

¹ Бешик тўйи.

пайдо бўлди. Гапнинг қисқаси, йўлнинг тўтаси, буларнинг ёши — қизи тўққиз ёшда, Нурали етти ёшда. Ана энди гапни бу ёқдан эшитинг.

Чошқа-чошқа чоғида Гўрўғли султон ўтириб эди, Оқил маҳрам, Тунжур маҳрам, Ширин маҳрам — тўрт маҳрам хизматда турган чоқда, бек Соқи ўртада олтин косадорлик қилиб турган вақтида дарвоза тиқ-тиқ этди. Олло туркман дарвозабон туриб шундай қаради: Остида бор бўз тарлон от, белида бор қайқи пўлат, бедови қорсоқдай қотган, уйқуси қобаққа қотган, каржилови қўлини қабартган, шабгирни баланд тортган, қистаб Чамбилга етган: белида беллик, қўлида қўллик, бошида дубулға, тўшида чоройна, жавринида қалқон бир меҳмон келиб тўхтабди. Дарвозабон дарвозани очиб ичкарига олиб кирди. Соқи қўлидаги олтин косани маҳрамлар қўлига бериб, гапирган гапини ўйлаб, сўнаю суқсурдай бўйлаб, ўн саккиз зина пештоқдан жардан учган каптардай бўлиб, лопиллаб пастга тайлаб, меҳмонни отдан тушириб, сайислар қўлига отни бериб, муҳрдор лабини тишлаб, келган меҳмонга йўл бошлаб, ўн саккиз зинанинг чорқунча ёштига чиқиб борапти пештоқнинг юзига оёқ ташлаб.

Очилган гулнинг дастига,
Азроил жоннинг қасдига,
Соқи олиб чиқди меҳмонни
Пештоқнинг устига.

Шунда меҳмон қўл қувшириб, қуллик қилиб, Гўрўғли султонни зиёрат қилиб, Аҳмад вазир билан ҳам кўришиб, нордай тиз букиб ўлтириб, Гўрўғлининг ҳақиға дуойи давлат қилди. Шундан кейин меҳмоннинг олдига дастурхон ёзиб, икки пиёлани тақсимнинг устига қатор қўйиб, бир пиёлага асал, бир пиёлага чой олиб келиб қўйди. Меҳмон чойни ичиб, таомни еб, дастурхон ҳақиға дуо қилди. Олис тайлаб чиққан мамлакатни, янға киссадан чиқариб берди хатни. Соқи олиб бориб, Гўрўғлининг пешонасидан тўғри тутиб, Гўрўғли хатнинг бетига шундай сер¹ солиб, хатнинг қатини очиб, бир четдан ўқиб кела берди. Хатнинг ярмигача ўқиб келди. Яримдан бу ёғига хатнинг назми ёмон эканини билиб, хатни қайтариб буклаб, кўрпанинг қатига қўйди. Аҳмад

¹ Зеҳн.

хатнинг бир четидан хиёли сезиб қолди, хатни олиб келган меҳмоннинг қиз эканини Аҳмад билиб қолди.

Аҳмад вазир турди жойидан
Икки оёғини ерга тираб,
Сўнг юраги ҳансираб,
Аждаҳордай буркираб,
Гўрўғли султонга қараб,
Бир неча тимсол келтириб:
— Қари қулман, кеча-кундуз жилайман,
Е, Гўрўғли султон, бемалол бўлса,
Келган меҳмонни сизан тилайман.
Осмонда ёрқин ойимди,
Шу пилла қайтарма райимди.
Шул келган азиз меҳмоннинг
Бориб ичиб келсин чойимди,
Қўриб келсин мазгил-жойимди.
— Боғда очилган гулимди,
Жон борида сўзлатай тилимни,
Келган азиз меҳмонингиз
Бориб еб келсин нонимни.
Гўрўғлининг ғайрати шишди,
Сўнг юрак дарёдай тошди,
Зангар ғилофдан қиличди,
Қилич дамидан олов кўчди,
— Боғда очилган гулимди,
Қирқ уруғ туркман элимди,
Суғириб олай қизил тилингни,
Улсанг ким олади хунингни,
Эй, Аҳмад, айтгин калмангни,
Дастимдан ўлдинг бегумон.

Гўрўғли дарқаҳр бўлиб:— Олдим танангдан каллангни, сағирдан кабир борми сенинг уйингга бориб нонингни еган. Қаёндан бери меҳмон чақириб, нон берадиган киши бўлдинг,— деб неча бор сиёсатлар қилди. Аҳмад қайтиб жойига ўлтириб:— Эй, Гўрўғли султон, сенинг аҳмоқлигинг, хомбошлигинг, ўпкаси катталигинг аввалдан-охир қолмади. Шунинг учун мен ёшимга етмай қаридим. Хушёр бўлгин, менинг меҳмон сақлайдиган жойим ҳам йўқ, сендан бошқа билан гап бериб, олмоққа райим ҳам йўқ. Келган меҳмоннинг қайси мамлакатдан келишини биласанми?— дейди. Гўрўғли — Ҳа, билмайман, Аҳмад тоға,— деди. Аҳмад айтди:—Эй, билмасанг, калласи катта Гўрўғли, шаҳрини Боғдод дейди, подшо-

сини Шосапит дейди. Бир қиз бор, исмини Ойзайнаб дейди. Ой деса — оғзи бор, кун деса — кўзи бор, гирди-да бир кам уч юз канизи бор, ўзи билан уч юз:

Добил-доирани чалади,
Кўрганнинг ақлин олади,
Тўқсон икки турли рўмолин
Такашохи қилиб бошга чалади.
Унг қўлини тўлғаб олади,
Ҳар кўчага тенгсилади.
Оч бели узуккина,
Мажнун тол химчасидай.
Икки бети йилтиллаб
Новвой ширмой кулчадай.
Бўксаси бор тахтдайгина,
Баззоз қўйган бўғчасидай.
Зулфин тишлаб қўйса қадам
Тоғда кийик тувчасидай.
Ҳар юрганда тенгсалиб,
Юрганида бели толиб.
Очилган боғнинг гули,
Иби, деб қадам қўйса,
Шосапитнинг химча бели.
Ҳар тўрт босган қадами
Аранг чиқади тўрт элли.

Ана шундай қизи бор, Гўрўғли аҳмоқ. Боғдод билан Чамбилнинг ораси қанча вақтлик йўл, биласанми?— деди. Гўрўғли:— Э, Аҳмад тоға, сиз билмасангиз, мен билмайман. Мен биладиган бўлсам, Фиротдай от бўлса, Аваздай мард бўлса, бориши уч ой, келиши уч ой, икковин ораси олти ойлик йўл,— деди. Аҳмад:— Эй, Гўрўғли, мен айтай, сен қулоқ солабер. Тўқсон тўпхонали Чамбил, саксон сардобали Чамбил, қирқ минг қирқ тўрт қалами Чамбил, йигирма тўрт минг олами, қирқ минг қирқ тўрт шаҳарга сенинг силсилаин авлодинг етган. Тўрт ярим лақ эли, ўн икки минг манжаси, бари эллик минг уйли чорва бойи, тўқсон тўқайда йилқи, бир юз қирқ саккиз чорпой молларни сувлатди. У, Гўрўғли, ошпазингга хабар берсанг, бир тобоқ ош қилса, тобоқни ярим қилмай, чош қилса, устини тўла гўшт қилса, қаттиқроқ қилмай, бўш қилса. Бархит кўрпача тўққиз қабат, бархит лола такия ўн саккиз қабат жой тўшалса, сен ҳам бориб ўлтирсанг, мен ҳам бориб ўлтирсам. Ош-ни олиб келса, тоғангнинг кўнгли хуш бўлса. Шу ош-

ни еб бўлиб, ундан кейин сен сўрасанг, мен бу меҳмоннинг не дартда келганини айтиб бераман,— деди. Гўрўгли рози бўлди, айтганини қилди.

Алқисса, ошни еб бўлиб, думоғи чоқ бўлиб, насияси нақ бўлиб, пилтаси мундай чўғ бўлиб, нима кўнглида бўлса айтаман, деди. Гўрўгли,— Аҳмад тоға, энди кўнглиндаги фикрингни айт,— деди. Аҳмад:— Меҳмонни менга берсанг, Чамбилнинг ўрди бозорини, Арчадай дашти, Баётнинг қўриғига чиқариб, қўр-қўрхона, тўптўпхона, ана шу майдонга чиқариб, чотир тикиб, тамму¹ суқиб; шу силсилаларни меҳмонга кўрсатсам. Агарда шуни кўрмаса, мен шунчалик иш қилмасам, шу уйга келиб, шу уйдан кетса, Боғдод мамлакатига борса, Шосапит сўраса, Чамбил мамлакатини қандай кўрдинг; деса. Ҳеч жойини кўрмай борса. Эй, подшойи олам, бекор жой экан, бир Чамбил деган номи бор экан. Икки чол ўтирибди, ундан бошқа одами йўқ экан, деса. Шосапит сонсиз лашкар билан от ўйнатиб Чамбил юртингга келса, Чамбилни етти қабат қилиб ўраб олса, шунда кўзинг очилиб: «Аҳмад тоға, энди юриш қандай?»— дейсан. Мен шу йўлларни ўйлаб, меҳмонни сендан сўрайман. Агарда меҳмонни берсанг, менинг айтганимга юрсанг, кечгача буларни айлантириб, давлатингда бор нарсани кўрсатсам. Бундан Боғдодга борса, шу нарсаларни айтади. Душман сендан қўрқиб жойида ётади,— деди. Бу гап Гўрўглига маъқул бўлди.— Соқи! — деб зарба тортди. Соқи:— Лаббай,— деб етди.— Олиб кел меҳмоннинг отини!— деди. Соқи меҳмоннинг отини олиб келиб, тўққиз зина шосупадан кўндаланг тутди. Ана меҳмон ҳам миниб олди араби отди. Аҳмад вазир бир тўриқ ёлдор отга миниб олди. Аҳмад олдин, меҳмон дарвозадан чиқаберди.

Ойлар нечага, нечага,
Ойсиз қаронғи кечага,
Аҳмад вазир равон бўлди
Ғишти пухта тор кўчага.
Меҳмон олдин энди,
Аҳмад энди кейин,
Ойдан ору юзидан,
Кўнгли тўла остидаги бўзидан,
Аҳмад вазир йўртиб кетди изидан.
Тортишамизми, меҳмон деб

¹ Қознқ.

От устида искамак бўлди юзидан.
 Сўнадай айрилиб чиққан хилидан,
 Тортишмаймизми, меҳмон, деб
 Аста ушлади меҳмоннинг қўлидан.
 От чопиб майдон даштидан,
 Тоғлар эриб нолашидан,
 Тортишмаймизми, меҳмон, деб
 Қўл солди қордай тўшидан.
 Хол ярашган икки юзидан,
 Тортишмаймизми меҳмон, деб
 Ушлади меҳмоннинг икки безидан,
 Уқиса қойил зеҳнидан,
 Тортишмаймизми, меҳмон, деб
 Қўл ошириб ушлади қизнинг бўйнидан.
 Ана шу бугун орадан ўтди,
 Вақт ҳам хуфтонга етди.
 Хуфтон — хуфтон, чоғида
 Аҳмад вазир ҳовлига етди.

Аҳмад вазир ҳовлига етиб, тиқ-тиқ дарвозани қоқди. Аҳмаднинг бир дарвозабони бор эди. Ёши Аҳмаддан тўққиз ёш катта эди. Ана бобоси жойидан туриб дарвозани очди. Аҳмад олдин, меҳмон кейин иккови дарвозадан ичкарига кирди. Аҳмаднинг бир меҳмонхонаси бор эди, ўзи кичик-чоғроқ эди. Соф сим харидай ўттиз олти-та хариси бор эди. Ун саккизта дераза, тўққизта эшик, бўсағалари ёқут, зумрат, лаъл, гавҳар — қимматбаҳо тошдан йўндириб панжарали қилган эди. Меҳмонхона олдида бўлган шоҳсупага Аҳмаднинг отини жиловидан ушлаб борди. Аҳмад отдан тушавериб:— Ҳў, бобо, меҳмоннинг отини ушла!— деди. Бобо:— Меҳмоннинг қани?— деди.— Ҳайло,— деди. Бобо қармаланиб-сермаланиб, меҳмоннинг чап томонидан келиб, отнинг жиловидан ушлади:— Тушинг, меҳмон, отдан,— деди. Шунда меҳмоннинг ақли-ҳуши, юраги тенгсалиб кетди. Меҳмон бобонинг жасадига қаради. Қараса, қора новча, шилдинг пойча, саратон бўлса, деҳқонлардан тортиб олиб ер эди торвузча билан сапча. Тура келиб тургундай бўлса, икки путининг орасидан, катта дарвоза экан, деб қоронғи кечаларда, қатор-қатор туя ўтиб кетарди. Юз-тубан бўлиб ётса орқасида икки суру, уч суру қўйни чўпонлар ўтлатиб-ўтлатиб келиб, яхши қўтон экан, деб орқасида бир кеча ётиб ўтиб кетган. Мўйловлари ўсиб кетган, устинги лабидан ўтиб, оғзини босиб кетган. Қўлтиғидан чиққан тукини чўпон бачалар таёқликка кесиб

кетган. Ана шунда меҳмон: «Хайр, тақдир шу-да»,— деб отдан тушди. Аҳмадхон меҳмонни эргаштириб, маҳрамлари машъални ёқиб, ичкарига олиб кириб, Аҳмад бобосига:— Эй, бобо, буни Чамбилбел дейди, уруғли эл дейди, меҳмоннинг отини эҳтиёт қил. Тағи бирорта ўғри, ҳароми меҳмоннинг отини олиб кетиб қолмасин,— деди. Бобоси:— Хўп, бўлибди, деб отни сайисхонага олиб бориб етти қабат кишан солди. Меҳмон тўққиз қабат кўрпачанинг устига чиқиб ўтириб, Аҳмаднинг ҳақиға дуо қилди. Аҳмад вазир югуриб-елиб меҳмонга дастурхон қилди. Дастурхон устига ҳар хил таомлардан тўққиз турли таом тортди. Таомни еб бўлгандан кейин, таомнинг ҳақиға қўл очиб дуо қилиб, дастурхонни йиғиб олди. Шунда Аҳмад вазир қўл ювдириб, сочиқ билан қўлни сурттириб, битта чойнак чой чақирди. Чойни қайтариб, Аҳмад вазир пиёлага қур чой солиб, ўзи аввал ичди. Кейин пиёлани тўлдириб меҳмоннинг қўлига берди. Меҳмон пиёлани олиб бора бергандан кейин, Аҳмаднинг хаёли бузилди. Меҳмоннинг орқасидан оёғини узатиб, учасидан оёғининг панжаси билан бир чимчиб олди. Меҳмон пиёлани қўйиб:— Уҳ,— деди. «Бу беимоннинг назми ёмон. Индамай ўтирсам, шу кеча мени омон қўймайди. Кел-е, балодан илгари садақа, сувдан олдин бўғот. Шунинг олдидан бир бўғот ташлай, қани. Ақл олган қулдай бўлиб, ерга тўшалган шолдай бўлиб қола берармикан ёки шунда ҳам менга узала берармикан»,— деди.— Ана шунда:— Ой, Аҳмад вазир,— деди. — Лаббай,— деб Аҳмад ўрнидан ирғиб турди.— Сиз тўқсон турли таом тортинг,— бизга бари бир, булар бу жойдан тўхтамасин. Бир шиша ароқ бўлса, тўқсон тур овқат бир ёқли, бир шиша ароқ бир ёқли. Шун ичмасак, миямиз бир жойга келмайди. Шу бир шиша ароқ олмоқликка пулингиз етмадими ёки ақлингиз етмадими?— деб киссасини ковлай берди. Шунда Аҳмад:— Хўп, азизим,— деб қўлига бир мис лаганни олиб, икки шокосани қатор қўйиб, ичкарига кириб кетди. Ана шунда Аҳмад бориб шарбатхонани очди. Икки хум ароқни ёш йигитчилик чоғида тўлдириб қўйган эди. Ароқнинг қиёмига етгани шунча, неча йил ўтган бўлса, бир косани бир хумдан, иккинчисини иккинчи хумдан олиб, шокосани мис лаган устига қўйиб меҳмон олдига келиб, ишириб қўйди. Меҳмон:— Ҳо, Аҳмад вазир, ош эгаси билан тотли, деган гап бор. Аввал сиз ичинг, кейин ичишни биздан кўринг,— деди. Аҳмад вазир:— Азиз меҳмоним, меҳмон отайи худо, деган гаплар бор,— деди. Шунда

меҳмон:— Тўғри, етмиш яшар камчир мартабасидан етти яшарли ўғил боланинг мартабаси улуғ, деганлар. Шунга қараганда, ёшингиз тўқсон олтида дейишади. Менинг ёшим кўҳна йил билан ўн тўрт ёш бўлмаса, ўн уч ёшинг устидаман. Сизнинг ёшингиз улуғ, мартабанингиз бор — иккита соҳиби мамлакатнинг вазирисиз. Сиздан олдин менинг ичишим яхши эмас, одобдан бўлмади. Аввал ҳазар қилмай сиз ичинг. Кейин, — марҳамат, ихтиёрни биздан кўринг. Тонг узоқ, сабр арзон, бизнинг билан орзу-ҳавас кўнглингизда бўлса, ўйин-кулгини кейин биздан кўринг,— деди. Шунда Аҳмад вазир:— Қуллуқ, бўпти,— деб, бир коса ароқни кўтараётган чоғи. Ароқни тўкмай ичиб, коса қўлидан тушиб кетди. Шокоса лаганга тегиб, тариқдай майдаланиб кетди. Аҳмад шундай қотиб қолди. Қиз-меҳмон жойидан тура келиб, кўкрагидан итариб юборди. Шунда Аҳмад ерга йиқилиб қолди. Меҳмон жойидан туриб ёв-яроқ, анжомини олиб, пуф деб чироқни ўчириб, Аҳмаднинг қорнига ўкчали этиги билан тўққиз марта тепди:— Ана ёта бер, Аҳмад вазир, биздан топган айшу ишратинг,— деб уйдан чиқди. Меҳмонхонанинг эшигини шақир-шуқур бекитиб, сайисхонага бориб отини топиб олди. Отни ечиб ташқари олиб чиқаётса, оёғи шилдир-шилдир қилди. Отнинг оёғига етти қабат кишан урилган. Шу ерда меҳмон мустар бўлиб, аҳволим қандай бўлар экан, деб кўп ғамгин бўлди, кўнгли наза бўлди. Шундай ўйлаб чўнтагидан пичоқни олди. Шу олмос чопқи билан бир уриб кишани узди. Отнинг оёғи кишандан холи бўлди. Отни миниб дарвозага келди. Қараса, дарвозабон дарвоза ёнидаги супада бир пойча пўстин устида хар-хар ухлаб ётибди. Шунда қиз узангига оёғини тираб, ухлаб ётган бобога қараб:

Саҳар туриб кўчар карвон,
Остимда ўйнар бўз тарлон,
Оч кўзингни, тур, бобожон,
Аҳмад билан келган ўзим меҳмон,
Оч дарвозани, мен ўтайин нармон.

Шунда бобонинг қулоғига меҳмоннинг саси етди. Бобо жойидан туриб, меҳмонга қараб:

Дарвозада ётганимни қандай билдинг,
Бесоҳибнинг моли тавоф,
Сабаб нима бемаҳалда жўнадинг,
Ростин дегин, Аҳмад бердими жавоб?

— Эй, бобожон, очинг дарвозани. Аҳмад вазирдан жавоб олдим,— деди. Бобо:

— Аҳмадхон берган бўлса жавоб,
Мен сенга бермайман жавоб.
Бу гапларинг болдан сучи¹,
Ўзинг экансан аризачи.
Дарвозамнинг божи шулдир,
Бериб ўтасан уч муччи.
Муллалар ўқийди қисса,
Мерганлар бойлайди қисса,
Дарвозамнинг божи шулдир
Бериб ўтасан уч бўса.

Шунда бобо неча бемаза гапларни айтди. Шунда қиз:— Кел-е, бир сасиган чолни ўзимга тегдиргунча, отдан йиқилиб ўлганим яхшироқ»,— деб Аҳмаднинг манзилининг девори қирқ пахса эди, шундан отни ирғитмоқчи бўлди.

Қаторида қора нори,
Олис қолди кирдикори.
Эганг Боғдод тождори,
Агар шу девордан ирғимасанг
Чамбил элига бўлдим чўри,
Ақл-ҳушингни жамлагин.
Рост бўлиб дамнинг рослагин,
Шу девордан ирғир чоғинг.
Шамол туриб шовриллаб,
Ойдай бадани дириллаб,
Тўрт оёғини бағрига букиб,
Қаптардай учиб ғуриллаб.
Ҳаддин қирқ пахса деворни
Ошиб тушди пириллаб.

Отдан тушиб, отнинг белини бўшатиб, аччиқ терини ушатиб, яна отни миниб ҳайдай берди. Кўчанинг ярмига келганда икки шабгир отнинг жиловидан ушлади. Шунда шабгирлар:— Сен бемаҳалда нима қилиб, нима мақсадда юрибсан. Аризачимисан, тўқачимисан, элчимисан, ганиммисан, меҳмонмисан, нима эканлигингни бизга билдир,— деб сўрашди. Шунда меҳмон:— Билдирсам — нима қиласан, билдирмасам нима қиласан?—

¹ Ширин , чучук.

деди. Шабгир:—Билдирмасанг, олиб борамиз, қаронги томга соламиз, оёғингга кишан, бўнингга жел солиб қўйиб: ўзинг—банди, отинг—ўлжа. Эртасига кун чиқиб чошкага боргандан сўнг, Гўрўғлига топширамиз,— деди. Қиз — Гўрўғли нима қилади?— деди. Шабгир:—Гўрўғли жавобгарликка тортади,— деди. Қиз: — Жавобгар қилиб нима қилади?— деди.— Ҳеч нима қилмайди. Шу юришингга дорга тортади,— деди. Қиз:— Ҳеч гуноҳим бўлмасачи?— деди. Шабгир:— Гуноҳинг бўлмаса, бир-иккита шоҳидлик бўлди. Гуноҳкорлигингга беш танга кишан боғи берасан,— деди. Унда қиз:— Ҳай, ундай бўлса, менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, мен бир сайилгарман. Мени бу кеча сақлаб йўлдан қолдириб, эртасига оладиганларинг беш танга бўлса, ҳозир икковинг беш тангадан ўн танга олиб, мени қўйиб юбор,— деди. Шунда шабгирлардан бири:— Шунинг беш тангаси ғанимат, олайлик. Эртага Гўрўғлининг дунёсидан бугунги ўпка яхши, деб беш тангадан, икки киши ўн тангани олди:— — Акажон, мақсадингни айтгин!— деди. Қиз:— Мақсадим шу, Чамбилнинг бош чор қуббали дарвозасидан чиқариб қўйгин. Агарда чиқармасанг, кушанданг мен, икковингни ўлдираман,— деди. Шунда шабгир:— Эй, акажон, мақсадинг дарвозадан чиқиш бўлса, дарвозадан ўзимиз чиқариб қўямиз,— деб иккови отнинг икки жиловидан ушлаб дарвозага келди. Дарвоза очиқ экан, Олло туркман уйқуда экан, дарвозадан ўткариб юборди, Олло туркман билмай қолди.

Меҳмон Чамбилдан чиқиб, Арчадай дашти, Баётнинг қўриғи, Холибекнинг қуми билан от ўйнатиб, сувлиқ чайнатиб кета берди. От Холибекнинг қумига етиб тўхтади. Меҳмон ўйлаб туриб: «Мен Чамбилга нима ишга келиб эдим. Авазни кўзим билан кўрмадим, олиб келган ариза-хатни Авазга ўз қўлим билан бермадим. Авазсиз Боғдодга борсам қайтаман¹. Бибишим Аваз қани, деб сўраса, қайтаман. Энди кейинимга қайтиб, Чамбилнинг кўчасига кириб, кўчанинг бошидан-оёғига от чопиб, «Ол-ҳа, қўйма», деб бир шовқин берайин. Чамбил ҳам бир ғала-ғула бўлиб бир иш бошларинг қолсин», деб меҳмон кетига қаради. Қараса, Авазнинг оқ девори, пўлат дарвозаси кўзига кўринди. «Шу работга борайин, Гўрўғлининг давлатини еб ётган бир саркарданинг работи-да»,— деди. Шунда отни, чу, деб қимтиб, жиловини ёзиб қўя берди, кунжуту сунжут дегунча, Авазнинг

¹ Қандай қиламан.

работига етиб келди. Пўлат дарвозадан шундай қаради. Қараса, работнинг ичида чотир тикилган, тамуғи суқулган, чотирнинг қибла томонидан тўқсон бошли оқ ўтов, ўтовнинг ичида ҳам тўртта машъал ёқилган. Ана шунда Авазхон ўттиз олти кўрпача, ўн саккиз қабат лўла такия, нордай бошини ой Жузумкўз паризоднинг ўнг тиззасига қўйиб, маст-беихтиёр ухлаб ётибди. Қамчи дастаси билан дарвозани урди. Ой Жузумкўз эшитиб, Авазнинг нордай бошини такиянинг устига қўйиб, авайлаб бўсағага келиб, дарвозага келиб турган меҳмоннинг қорасини кўриб, қайтиб жойига келиб ўтириб, Авазнинг бошини тиззаси устига олиб, бош-оёғини уқалаб ходими қила берди. Шунда ой Жузумкўз Авазни уйқудан уйғотаётган чоғи:

Тоғ бошида тўққиз тарам,
Сумбул сочим ўрам-ўрам,
Мард йигитга уйқу ҳаром,
Амалинг султон, бокарам,
Дарвозадан келди меҳмон,
Жойдан туринг йўлбарс тўрам.
Қаторида қора нори,
Қўлидан кетмай номус-ори,
Отанг Гўрўғли, Чамбил тождори,
Жойингиздан туринг, бек тўрам.
Сиз бўласиз Чамбилбелнинг шунқори.
Оқар дарёнинг оқиши,
Шул бўлар гапнинг равиши,
Дарвозадан тиқ-тиқ этиб,
Келди бир кишининг довуши.
Шодиёндан шарра шамол туради.
Бой кўппак қора кўрмай ҳуради,
Жойингиздан туринг, бек тўрам,
Дарвозани биров тиқ-тиқ уради.

Шунда Авазхон сачраб туриб, керагадан қиличини олиб, занжир ғилофдан чиқариб, хотинига рўпара қилди. — Мени уйқуда билиб, кўнгил суйган кундошинг келди-ми?— деди. Шунда хотинининг хаёли бузилди. Уладиганини билди, жоғ талвасасида икки бачанинг ўртасига келиб йиқилди. Иккала боласига қараб йиғлаб юборди.

Очилганда боғда гулим,
Тоғдан оғир бўлди куним,
Отанг бизни сўймоқ бўлди.

Мен сутимдан рози бўлай,
Тургин жойингдан қўш болам!
Муштипарман, ҳаққа етсин нолишим,
Шу пилла кўзимдан тўкилди ёшим,
Энанг ёлғончидан маҳрум бўлди,
Отанг ўлдирмоққа ихтиёр қилди.
Берган сутимдан рози бўлдим.

Ана энди Аваз маст эди, ҳушёр бўлди, уйқуда эди, бедор бўлди: «Мен хотинни ўлдираман десам. Хотин икки бачани қучоқлаб йиғлайди. Дарвозадан битта келган бўлмасин, хотин шунинг учун мени уйқудан уйғотган бўлмасин. Ичкари ва ташқаридан бир хабар олайин-чи», деб қилични филофга солиб, аста-аста дарвозага бора-верди.

Худонинг нури сизу биз,
Сарғаймасин нурли юз.
Авазхон ичкари, меҳмон ташқари,
Иккови бўлди юзма-юз.

Ана энди меҳмон Авазхонга қараб, икки оёғини узангига тираб, бир сўз дейди:

Эшик олди нов терак,
Яхши барчага керак,
Қўш халтада қўш тароқ.
Икки юзи жилтироқ,
Ўзингни асли сўраса,
Бир байталлик бадирак.
Налат сенга, раҳмат бизга,
Авазхон, қўрқмасанг келгин берига.
Гуллар очилар баҳордан,
Қумри сайрар саҳардан,
Келишимни берай баён,
Асли келишим Боғдоддан.
Қизил гуллар гунча-гунча,
Сабр айла очилгунча,
Талабинг бўлса сўрай бер,
Яна Боғдодга боргунча.
Тоғларда бордир тормона,
Беклар минади йўрғани,
Қушлар қувади қарғани,
Налат сенга, раҳмат бизга,
Бир байталлик тубдан келган армани.

Шу гапни айтиб меҳмон
 Отининг белини бурди.
 — Ҳисорнинг боши Қўлоб,
 Қизлар қўйган ўсма, лолаб,
 Бу гапларни айтасан елкалаб.
 Қаторида қора нори,
 Эрисин тоғларнинг қори,
 Ёзилсин гапнинг дафтари,
 Тўхта жойингдан, модахар,
 Билгин мен Чамбил шунқори.
 Ойлар қиблага ботди,
 Уйласак, ёлғончи ўтди.
 Аваз шу гапни айтган сўнг,
 От бошин буриб меҳмон
 Қисқаси ойдаи ботди.
 Авазхон ҳужум қилиб
 Дарвоза қулфини силкиб отди,
 Изига бурилиб Авазхон
 Миниб чиқди Мажнун отди.

Авазхон Мажнун от билан бир майдон қувлаб, от
 бошида банот тўрваси, тўрвасини босиб йиқилди. Аваз-
 хон устидан тушиб, ошидан тўрвани олиб отни жойидан
 турғизиб етаклаб уйига келиб, отни жойига боғлаб, бир
 фокусни ёқиб олиб, беш ҳалқа тилла юганни қўлига олиб,
 сайисхонага борди. Сайисларнинг устидан ҳатлаб таб-
 лахонанинг тўрига етди. Фиротнинг райини топиб, авай-
 лаб сабоғидан тутди, нўхтасини сийириб ташлаб, беш
 ҳалқа тилла юганни отнинг бошига солди.

Ойлар қиблага ботди,
 Уйласак ёлғончи ўтди.
 Оғзига олган сувлиқни
 Фирот оғзига босди.
 Фиротнинг ҳар бир тиши
 Сувлиққа эговдай ботди.
 Юрган йўлини тўталаб,
 Ёш бола ўйнар оталаб,
 Шул мақомда Авазхон
 Фиротни ташқарига
 Олиб чиқди етаклаб.
 Гапирган гапини ўйлади,
 Шол билан белини бойлади,
 Сўм ғўла қозиққа Фиротни
 Якка жиловидан бойлади.

Белини ечиб Фиротнинг
Устини сийриб тайлади.
Тозига солиб қорбини,
Камбағал тортар ёрғини,
Ё бисмилло, деб Авазхон
Отнинг белига солади
Юнус билан Мисқол пари
Қаймалган бахмол терликни,
Чангитиб майдон дашди.
Обод айлаб Чамбил қўшди,
Ул устидан, бисмилло, деб,
От устига тайлади.
Бахмалдан бўлган ёлпўшди.
Бақмон пиширар чилгини.
Уста илдирад улгини,
Унинг устидан солади
Гирди қиймали чиргини.
Баланд тоғнинг боши ёна,
Ё, яратган пушти пано
Ул устидан босади
Олтин сачоқили ироқи жўна.
Тоғларга чўқар бўқтар қор,
Куйган йиғлайди зор-зор.
Ул устидан босади
Қоши олтин, тилла эгар.
Чамбилбелнинг гирди дала,
Буйруқ бўлса ёғди жала,
Ул устидан солади
Бархитдан бўлган кўрпача.
Фиротни қиздай безаб,
Қўғирчоқдайин тузаб.
Отилиб неча жазойил,
Мард ишига барча қойил.
Отнинг белига айланди
Олти қулоч оқ айил.
Отлар югурар энишдан,
Дуо тилар дарвешдан,
Жониворнинг ками йўқ,
Югуришман, елишдан.
Чин, ситқи дил югурса,
Утади қанотли қушдан,
Айтаётган юз бошини
Эй, худойим, қисма довушдан.
От белига тортади
Тилла тўқали кар пуштан.

Ул устидан думни ўраб,
Отнинг думига солади
Чор қуббали қуюшқон.
Ул устидан тортади,
От тўшига қоторон.
Отнинг белини тортади,
Тўқа тўқага етади
Аваз билагининг кучи тўлалигидан.
Фирот қулунлигида эмган сути
Яриллаб танглайдан кетади.
Айил-пуштан тортқисини
Айлаантириб беркитади.
Корсондай зумрад добилни
Эгарнинг бошига чатади.

Ана шунда Фиротни созлаб, Аваз уйига бориб, тоза ҳам таҳорат қилиб, икки ракат намозини ўқиб, худонинг даргоҳига бағишлаб, фотиҳани бетига тортди. Авазхон жойидан туриб, ёв-яроқ, анжомини олиб, Довут чўзган қайқи пўлатни белига боғлади. Нордай қабағини уйди, билакка кучини жийди, ўқ ўтмас совутни баданига кийди. Белига беллик, қўлига қўллик, тушига чорайна, бошига дубулға, яғринига қалқон, қўлига найза тутиб, ташқарига чиқиб, Фиротнинг қошига келди, якка жиловни ечиб олди. Фиротни уч айланиб, туёғига бош уриб, Фиротнинг манглайдан уч мартаба тавоф қилиб, аввал худо, дуюм пиру пешвозларини ёд қилиб, ё пирим, деб узангига оёқ қўйиб осилиб, отнинг белига рост бўлиб минди.

Очилиб боғнинг гулига,
Пири хабардор ҳолига,
Шапалоқдай каржиловни,
Жуфтлаб ушлади қўлига.
Фиротнинг бошин рост қилиб бурди,
Чиқди тангрининг майдон чўлига.
Баланд тоғнинг боши ёна,
Ҳам яратган пушти паню,
Узинг раҳм айла, худойим,
Барчани ҳол қилган яккаю ягона,
Ўн бешда тўлган ёрқин ойим,
Бир жойда сарғаймасин рангу рўйим,
Елғиз қулман, тоғдан оғир гунойим.
Айланг раҳм менинг айлар зоримга,

Барчани хол қилган қодир худойим.
Отни майдон аро чўлда елганлар,
Эгриён олмосни белга чолганлар,
Саҳар чоқ тебраниб жойдан турганлар,
Айланг раҳм менинг оҳу зоримга,
Қулли қум ерга тўғ кўтарган эранлар.

Шунда Авазхоннинг пирларига сизғиниб, Фиротни таъриф-тавсиф этиб, кетиб бораётган чоғи:

Жоним Фирот, кўзим Фирот,
Сени минган топсин мурод.
Тўрт оёғинг хизира терак,
Қўлтиғингда қўша қанот,
Шу бугунга ўйнар кунинг,
Устингда эганг омонат,
Сағринг нондай кўпган.
Ерни қўйиб, тошни топган.
Сени минган ботир эганг,
Ғанимини излаб топган.
Отнинг ойдай қомати букилди.
Жасади кирдай сиқилди,
Ели тўпчиғи тўкилди,
Кокили бурунга эгилди.
Фиротнинг босган изига,
Қўшқанот ўйлар тикилди.
От туёқдан тупроқ отди,
Туёқдан отган тупроғи
Ҳам бир таноб ерга етди.
Сой-сой келса ирғитди.
От ўмгани терга ботди.
Адир келса дамга тортди,
Улма, Гўрўғлининг фарзанди.
Тонг отиб, чошка бўлганда,
Жилов суриб Асқар тоққа етди.
Очилса гулнинг дастига,
Азроил жоннинг қасдига,
Қар жилов ушлаб дастига,
От ўйнатиб Авазхон
Чиқди Асқарнинг устига.

Авазхон Асқарнинг усти, Бешарчанинг остига бориб,
зиёрат жойлари бор эди, уларни ҳам зиёрат қилди. Шу
вақт отнинг жиловини паст қилиб, ақл-ҳушини рост қи-

либ, киссасидан дурбин чиқариб, Фиротнинг икки қуло-
гининг ўртасини ўтапир¹ қилиб, дурбинни эгарнинг қо-
шига қўйиб олис йўлга, жазира чўлга, Парахат товлар-
га, Керагас зовларга очирқаниб сер сола берди. Поло-
пон тоғдан бери, Сулдуз тоғдан нари — икковининг ўр-
тасида ўн тўрт ўрим сумбил сочини киптига ёзиб таш-
лаб, қалпоқни хиёбон бошига қўйиб, тўққиз шабрўзлик²
йўлдан қизнинг қорасини кўрди. Ана шунда Авазхон
дурбинни киссасига солиб, кар жilовини қўлига олиб,
Парахат тоғдан, Керагас зовдан Фиротга жабр қилиб,
алланг-алангдан ошиб, салқин дарёдай тошиб, кесар
калла хумдай шишиб, ўлмасдан ботир Авазхон, кетди
Асқардан нармон ошиб.

Саҳар туриб кўчар карвон,
Кейин қолди Чамбил кўрғон,
Ҳам изидан дуоғўйдир,
Безуриёт амир султон.
Остида ўйнаб бўз тарлон,
Ошиб Асқар тоғдан нармон,
Сулдуз тоққа бўлди равон,
Керали кенгадир,
Босиб ўтиб борадир,
Чанғароқли чангадир,
Чангитиб кетиб борадир.
Мен айтай қанча назадан,
Ҳиммат қилиб муртозадан,
Ё Али, деб, ошиб борар
Тўғри келган неча газадан.
Йигирма бешда ўлса йигит
Ёри кутилмас азадан.
Теваргаси тирқиллаб.
Нақшин узангиси ширқиллаб,
Мешкопларда олган суви
От чопганда чилқиллаб,
От чопганда обдан найза
Тор хумчадай сўлқиллаб,
Жовринида карк қалқон
Кун текканда ярқиллаб,
Ойлар қиблага ботди,
Бу дам ҳам ғаниматди,
Маъмиз бериб Фиротди,

¹ Минбар.

² Кеча-кундуз.

Авазхон тўққиз шабрўз йўл тортиб
Сулдуздан ҳам нармон ўтди.
Олис қолиб Чамбил қораси,
Чангийди тоғнинг дараси,
Тўққиз шабрўз от чапди,
Улмасин Гўрўғлининг ёлғиз боласи.
Тўққиз шабрўз йўл тортиб,
Қочқинчи қизнинг изидан етди...
— Боғда очилган гулмиди,
Ўзинг қизсан, билмадинг ҳолингди,
От жиловни сақла, муштипар,
Танигин мендай аждарҳорингди.
Нафас олмай айт калиманг,
Танангдан узгайман сарингди,
Агарда ёлғончи фоний дунёда
Бўлса йиғлатдим ота-онангди.

Авазхон ғазаб билан, қизга дўқ-сиёсат қила берди.
Шунда қиз орқасига бурилиб қараб, узангига оёғини
тираб:

Уйнатмагин курра, бўзни,
Менга мунча қилма талбизни¹.
Чангитмагин майдон-чўлингни,
Мен ҳам йиғлатарман хипча белингни,
Эй, сенга айтаман, бадрак Авазхон,
Қўй қизларман Чамбилбелингни,
Эй, Авазхон, энди билгин ҳолингни.
— Эрисин тоғларнинг қори,
Қаторда бор қора нори,
Ёзилсин гапнинг дафтари,
Тўхтат отнинг бошини,
Сенсан Овшарнинг духтари,
Ўзим Чамбилнинг шунқори,
Дастимдан қайта қутилдинг,
Айт калимангни, баччағар.
Отингни ўлжа олиб,
Қирқ урув туркман элига
Ўзингни қиларман чўри.
Отам бор Чамбил тождори,
Менман қирқ эрнинг номдори,
Тўхта жойингда, модахар,
Чамбилбелига қилдим чўри.

¹ Дўқ, сиёсат.

Чангитарман майдон-дашни,
 Кўздан тўкиб селоб ёшни,
 Менинг ҳам отим қўймайди
 Осмонда қанотли қушни.
 Уйласаак ҳам дунё ўтди,
 Эй, кўринг шу паризотди,
 Шу гапни қизгина айтди:
 Қалпоқни қўйнига солиб,
 Сочини телпакка ёйиб,
 — Ҳолингни билиб гапиргин,
 Олти ёшда от кети бўб келган
 Бир байталлик туркман қули.
 Ўзимни асли сўрасанг,
 Боғнинг очилган гули,
 Уч юз канизнинг ичида
 Ўзим мен суяр канизи.
 Авазхон, талабинг бўлса сўрайвер,
 Сенга тозадан билдирай ўзимни.
 Боғдод мамлакатнинг хипча белиман,
 Ана, армонда қолма, Авазхон, деб
 Отига бир қамчини тортди.

Ана шу пилла ойдай ботди, неча гузардан ошиб,
 кесар калла хумдай шишиб, қиз кетди шундай қутилиб,
 Авазхон қолди адашиб, икки кўзи ғуборланиб, гўё бир
 шабрўзгача одамдан ақлли Фирот қолди юрар йўлини
 йўқотиб. Бир шабрўздан кейин ақл-хушини жамлаб
 олиб, искаб-искаб ер юзидан отнинг изини топиб олиб,
 бедовлар югурар бовридан совуб, Авазхон боради га-
 нимини қувиб. Бир шабрўздан кейин отнинг изини топиб,
 ҳушёр бўлибди. Чошка-чошка бир катта Жайхун дарё-
 га борибди. На кема бор, на гузар бор. Авазхон шу га-
 зага бориб, дарҳайрон бўлиб, дарёдан қандай ўтишини
 ўйлаб қолиб, қиличининг сопидан тутиб, дарёга қараб
 гап айтаверди:

Тегирмоннинг равоғидан,
 Қўрққин ботир қабоғидан,
 Йўл бергин, Боғдод дарёси,
 Келма отим туёғидан.
 Бошгинангни қуритарман,
 Одоғингни лойлатарман,
 Балиғингни чиритарман,
 Уртангдан тахти равон йўл солиб,
 Устингдан отимни ирғитарман.

Бир фасл қайтаргин дамингни,
 Саёз йўл бер, Боғдоднинг дарёси,
 Қўрсат тубингдан қумингни.
 Қайир-қайир ерларингга
 Чоракор, деҳқонлар солиб,
 Асбобу қўш, ҳўкиз солиб,
 Чопавериб ерингни ағдариб,
 Деҳқони киштикорилик қилиб,
 Бу жойларга йўл қиларман.
 Эй, йўл берган, деб Авазхон
 Дарёга дўқу сиёсат қилди,
 Манманлик қилгани учун
 Шунда худодан амр бўлди.
 Пирлари башорат қилди,
 Лаб-лабидан оша берди,
 Қолипидан тоша берди.
 Атрофида кўлмак сувни
 Қайта ўзига қўша берди.

Шу вақт дарё қолипдан назари юз газ баланд бўлиб
 жўнади. Шу пилла Авазнинг нафаси бир оз қисилган-
 дай бўлди. Манманлик қилгани ўзига маълум бўлди.
 Авазхон отдан тушиб, қайтадан тоза таҳорат қилиб, ик-
 ки ракат намоз ўқиб, аввали худо, дуьуми пирларни ёд
 қилиб отига минди. От жиловини марвар ёлига ташлаб,
 олтин эгар бошидан ушлаб, Фиротга қайтадан ялинган
 чоғи:

Олис қолди кирдикори,
 Бош эганг Чамбил тождори,
 Шу дарёдан ирғир кунинг,
 Чу-ҳа, каъбамнинг тулпори,
 Чамбилда олтин саройи,
 Яратган қодир худойи,
 Гўрўғли отам туркман элида,
 Чамбилбелнинг улуғ шойи.
 Елғончи фоний дунёда
 Ҳам ўзи фарзанд гадойи,
 Шу дарёдан ирғир кунинг
 Эй, қиблагоҳимнинг бодпойи.
 Авазхон шундай деган сўнг,
 Фиротнинг ойдай кўнгли бузилди,
 Дол Фирот танини ростлаб,
 Тўрт оёқ ердан узилди.
 Шамол туради шариллаб,

Вақтли Боғдодга етсам, деб
Кўнгли кетади ҳуриллаб.
Шундай деб лайли Ғирот
Тўрт оёқни боврига букиб
Каптардай учди дириллаб.
Олис қолди Чамбил қўрғон.
Ҳиммат берсин балогардон.
Ғиротнинг назари қирқ газ бўлиб
Ирғиб ўтди дарёдан.

Авазхон дарёдан ўтиб, Ғиротнинг устидан тушиб, от устидан эгар-абзалини шилиб олиб, отнинг сағрисиغا бир шаппалаб, ана тўқайнинг қўриғи, ўтига ҳайдаб қўяверди. Отнинг абзалини остига тўшаб, Чамбилдан чиққандан буён уйқу кўрмаган Авазхон шу жойга келиб қолди. Бели бўшаб, хуржуну эгарни бошига қўйиб, устига бир мовут чакманни ташлаб, ёнбошлаб қолди. «Жонивор Ғирот, бу жойларда менинг ҳар бир босган изимга ким қанча ганимларим бор. Мен мобода ғафлатда қолсам, бепарво бўлмайсан»,— деб Авазхон уйқуга кетди. Ана энди Авазхон бунда ётаверсин, энди гапни Чамбилдан эшитинг.

Бир кам қирқ шабрўз деганда Аҳмад вазир ақли-хушини йиғиб олди.

Ҳалол бўлсин берган ноним,
Тандан чиқмай ширин жоним,
Турай десам, туrolмайман,
Рост бўлиб йўлга юролмайман,
Оёқ-қўлимни уқалаб қўйгин.
Уқалаб жойимдан турғазмасанг,
Туrolмоққа йўқдир дармон,
Чин сидқинг билан уқала,
Ғойибдан келган азиз меҳмон,—

деб Аҳмад кўзини очса, меҳмон тугул шир ҳам йўқ,
икков тугул бир ҳам йўқ.

Кўнглида неча гаплар ўйлаб,
Шол билан белини бойлаб.
Қибладан довул турган экан,
Ўзим қолибман ғафлатда,
Мени худо тоза урган экан.
От чопиб майдон чўлига,
Армон билан отдан тушдим

Одамхўр Гўрўғлининг қўлига.
Аввал отга минайин,
Аваз ҳовлисидан хабар олайин,
Агар Аваз хабар топиб,
Шу қизни кетган бўлса қувиб.
Агар Аваз ҳам мендай бўлиб
Ётган бўлса ғафлатда,
Бошимдан кетганди давлатим,
Гўрўғли олдига нечун бораман,
Қолмади менда тоқатим.

Шунда Аҳмад сайис, деб зилла тортди. Сайис ҳам отни созлаб кўндаланг тутди. Ё, Али, деб отга осилиб, маҳрам қўлтиғидан суянч қилиб, Аҳмадни отга миндирди. Аҳмад вазир Авазнинг жойига равона бўлди. Қола берса, намакхўрда саркардалар ҳар қайсиси — отлиси отли, пиёдаси пиёда, бир кам қирқ шабрўздан бери Авазнинг изини олиб югурди. Ҳаммаси эси кетиб, булар ҳам Авазнинг қаёққа юришини, қайси тарафга кетишини билмай, Гўрўғлининг олдига боролмай, Авазни Ғироти билан йўқлаб юриб эди. Булар ҳам Аҳмадни кўриб, ҳаммаси жам бўлиб, Аҳмаднинг олдига йиғлаб келди. Шунда Аҳмад булардан:— Қани, сизлар бунда нима иш қиляпсизлар тўп бўлиб,— деб сўради. Саркардалар:— Эй, Аҳмад тоға, бир кам қирқ шабрўз бўлди. Аваз билан Ғиротни йўқотдик. Гўрўғли султонга нима жавоб айта-миз,— деди.— Бир кам қирқ шабрўздан берига жой-жойимизга бориб, ҳеч бир мазали овқат еганимиз йўқ,— деди. Шунда Аҳмад туриб айтди:— Эй, сизлар аҳмоқ, Аваз билан Ғирот қаёққа кетарди: «Шу вақтгача от устида хизмат қилиб Гўрўғлининг нонини едим. Энди бу йўлдан кечдим. Хунхор мамлакатига бориб, авлоду пушту камар, ота-онамни кўриб, Хунхор подшосининг оёғига бош урайин. Чамбил вилоятига келиб қанча давронларни сурдим, эндиги қолган умримга ғайри дин шаънига ҳам юриб кўрайин. Агар Хунхор подшоси менинг сўзимга юрса, сонсиз лашкар ияртайин, бир неча шабрўз йўл тортиб Чамбилга етсин, Чамбилнинг оқ деволини нуратиб, чангини осмонга отайин. Туркман элни қўйдайд қириб, қонини дарё қилиб оқизайин. Туркман элининг бўй қизини Хунхор қаратиб ҳайдатайин. Хунхорнинг чўри бозорига олиб бориб, пулга ўтганини сотайин, пулга ўтмаганини бир чилим тамакига алишиб, чилимига солиб тортайин»,— деб ота юртига кетган.

Сизлар юрибсизлар аҳмоқ бўлиб, бир байталлик қулни дўст билиб. Саркардалар:— Эй, Аҳмад тоға, энди гап нима бўлади?— деди. Шунда Аҳмад:— Ҳар кимнинг кучи ўзига етади. Менинг ақлим сизларга ақллик қилмайди. Сизларни гапга юргизса ҳам, Гўрўғлига кўнглим тўлмайди,— деди. Шунда булар туриб айтди:— Эй, Аҳмад тоға, сиз бир йўлни бошланг, биз изингиздан юрайлик, нима десангиз, биз кўнайлик. Аҳмад:— Йўлни бошлайман, ор-номусни ташлайман. Гўрўғлининг олдига бориб менинг гапимга дастидан дод қилиб нолиш қиламан. Шунда Гўрўғли менинг гапимга ишонмай сизлардан «Авазнинг шундай бўлиб кетгани ростми, Аҳмаднинг айтгани тўғрими»,— деб сўрайди. Ҳаммаларинг: «Қуллуқ, тақсир, рост»,— деб бир оғиз бўлинглар. Тағин гапнинг изини чорлаб, сеплайдиган ўзимма,— деди. Ана шунда:— Қуллуқ, Аҳмад тоға, агар сиз оловга кирсангиз, биз ҳам киргувчимиз, сиз сувга оқсангиз, биз оққувчимиз,— деб аҳду паймон қилди.

Аҳмад қайтадан отига миниб, чошка чоғида Гўрўғлининг олдига келиб, салом берибди. Гўрўғли ҳам Аваздан бошқа саркардаларнинг соғу саломатлигини кўриб хурсанд бўлди. Аҳмад вазир жойидан туриб, Гўрўғлининг назари жойига келиб, қиличини бўйнига солиб йиғлагиси келмаса ҳам ўз бошига йиғлаб, шундай Гўрўғлига арзу додини қилапти:

Мен бандаман, сенга қилдим арзу дод.
Жон берибди мавлон беш кун омонат,
Салтанатли, саржиғали (валлават),
Ёлгончидан безурёд ўтган бадавлат,
Уйлаб турсам менда қолмади тоқат,
Мен билмайман, не кечади оқибат.
Уйлаб турсам вайрон бўлди мамлакат.

Гўрўғли:— Чамбил мамлакати нима учун вайрон бўлди?— деди. Аҳмад:— Ё, Гўрўғли султон, шу куни меҳмонни бердинг, олиб кетдим, хуфтондан сўнг меҳмонга зиёфат тортдим. То аввали-охиригача мен дўст бўлсам ҳам айтган гапимга ишонмайсан. Шу турган қирқ йигитни ҳам олиб бордим зиёфат устига. Авазхон ҳам кириб борди. «Ҳа келинг, жияним, сизга ҳам одам юбормоқчи эдим. Узингиз ажаб келдингиз»,— деган ҳамонда, қиличининг сирти билан бир солди бошимга, бир кам қирқ шабрўздан бери энди келдим ҳушимга,— деди. Шунда Гўрўғли:— Хўш, сабаби?— деди...— Сабаби шу: «Нима-

га меҳмонни менадан бесўроқ олиб кетдинг?»— деди. «Ҳа, жияним, отанг Гўрўғлидан сўрадим. Сени ўзимники, деб мен олиб келиб зиёфат қилсам, иззатингга етсам албатта Аваз хафа бўлмас, бу ишларга хўш бўлар»,— дедим. Шу билан ақлу ҳушимдан кетказиб, берган меҳмоннингни қўлимдан тортиб олиб кетди. Дастурхон устидаги таомни еганини ҳам билмайман, ташқарига чиқариб тўкиб ташлаганини ҳам билмайман, деди. Шунда Гўрўғли:— Отни майдон аро чўлда юрганлар, Авазхонни борида беги-бегижон деганлар, Аваз билан ўтириб бирга бўлиб нонин еганлар, жам бўлиб йиғилиб келган намакхўрдалар. Аҳмаднинг шу айтган гапи ростми, Авазнинг Аҳмаддан меҳмонни тортиб олиб кетгани ростми?— деди. Қирқ олти сардор туриб, ҳаммаси бир оғиз бўлиб:— Ҳовва, тақсир, бирор-бир ёлғони йўқ, рост,— деди.

Шунда Гўрўғли дарқаҳр бўлиб ачиғи келиб:— Эй, Аҳмад тоға, кўзимнинг оқу қораси, юрагимнинг садпораси, Чамбилнинг эгаси, кулли туркманнинг оғаси, деб юриб эдим Авазни. Эгаси йўқ— эл бўлмас ёқаси йўқ— жўн бўлмас. Етар-етмас сўз бўлмас, пахта бўз бўлмас, азалги душман эл бўлмас. Агар Аваз шу кўнглида кетган бўлса, ундан илгарироқ кўнглимга келган гапни мен қилиб турайин. Ҳайр Аҳмад тоға, шу бугундан Чамбилнинг ихтиёрини бердим. Ўз қўлинг билан бир оғиз нон берсанг, давлатингдан еб ётайин. Агар бермасанг ҳам, дуойи жойингни қилиб ётайин. Чамбилнинг ихтиёрини берганимнинг боиси: унинг аслию жисми, бир байталлик қул. Ўғлию қизи, хотинини, молию дунёсини туркманга талов қилдириб, жою манзилини хароб қилиб, Чамбилнинг бозорига учовини чиқариб, бир байталга алишиб кел: ўғли, қизи, хотинининг кўкрагига бир коса яхтай сув сепиб кел. Юраги яхласин,— деди.

Шунда Аҳмадхон жойидан туриб, неча марта қуллуқ қилиб, Гўрўғлидан ихтиёрни олиб, Авазнинг манзилига етиб, қирқ йигити билан дарвозадан кириб:— У, Нуралихон,— деб чақирди. Етти яшар Нуралихон беш юз дафтари муллабачанинг ичида мактабда ўқир эди. Ана шунда онаси уйдан чиқди отилиб, кўйлак боғи сўтилиб, тўқсон икки турли рўмоли азиз бошига така шоха чатилиб:— Лаббай, бобоси,— деди. Аҳмад:— Нуралихон қаёқда?— деди. Онаси:— Нуралихон қаёқда бўлсин, мактабда, жиянингиз Авазхоннинг то аввалдан ҳозиргача бепарволигини сиз билмайсизми. Кўрмагандай, илгари-кейинни билмагандай, мен дарҳайронман, дарвозадан чақиринингизга,— деди. Унда Аҳмад туриб айтди:

Отини майдонда елибди,
Олмосни белига чалибди,
Аваз бориб Боғдод мамлакатига
Эй, келинжон, бек бўлибди,
Боғдод мамлакатидан
Севинчи хат Гўрўғлига келибди.

Гўрўғли султон вақти чоғ бўлиб, меҳрибонлик билан бизни юборди. «Аҳмад тоға, Авазнинг қўшига дуо қилиб, болаларидан хабар олинг»,— деди. Нуралихонга одам юборгин, тезда етиб келсин бу ерга. Отасининг беқлигини қуллуқ бўлсин қилиб кетамиз, ишимиз зарур.

Шунда Жузумкўз паризод:— Қултон,— деб зилла тортди. Қаниси лаббайлаб етди.— Қовушни қўй, оёғингни қўлингга ол. Чопгин, мадрасага етгин, Нуралини айтиб келгин. Бошида тожу давлати, шундай деб ҳукм қилди, Авазнинг паризоти. Хизматга буюрган канизак қуллуқ, деб изига қайтди. Гапнинг қисқаси, мадрасага елиб етди. Нуралихонни кўриб, бир сўз айтиб турган чоғи эди:

Танда ғанимат ширин жон,
От чопилиб чангир майдон,
Жойингиздан тургин вақт —
Мактаб ичидан, бегижон.
Обод бўлсин Чамбил қўрғон,
Отангиз исми Авазхон,
Бобонгиздир амир-султон,
Дунёдан ўтган бенишон,
Ҳовлига келди азиз меҳмон,
Чопа келинг бегумон,
Отангиз Боғдодга бек бўлган,
Тезроқ чиқинг мактабдан,
Еши еттида, бегижон.
Оқар дарёнинг оқиши,
Шу бўлар гапнинг равиши,
Шундай деб Нуралихонга
Етди канизакнинг товуши.
Очилган гулдай бўлиб,
Ун бешда ойдай бўлиб,
Кети билан юриб келиб
Мадраса бўсағасида туриб,
Домлага қуллуқ қилиб
Домладан адаб сўради.
Осмонда ёрқин ойим,
Сарғаймасин ранги-рўйим,

Хароб бўлганга ўхшайди
 Уйнаб-ўсган манзил-жойим.
 Душман қўлига гирифтор
 Бўлганга ўхшайди қиблагоҳим,
 Раҳим айласин қолдир худойим,
 Елғиз қулман, тоғдай оғир гунойим,
 Е чўлда, ё йўлда банди бўлган ўхшайди
 Менинг шунқор қиблагойим.
 Мен йиғламай ким йиғласин,
 Кўздан кетиб қонли ёшим,
 Чилтан солган Чамбилбелга
 Яратган худодан бошқа
 Кўзга кўринмас ғамхўр кишим.
 Вой аттанг-а, вой дариг.
 Чамбилга сиғмаганга ўхшайди
 Кўп туғиб хор бўлди азиз бошим,
 Рози бўлинг адаб берган дуоғўйим.
 Боровим бор, келувим йўқ,
 Бу ерга ўйлаб турсам,
 Кетганга ўхшайди эсим,
 Гулдай сарғайди нурли тусим.
 Рози бўлиб, хуш қолинглар, ёру дўстим.
 Тоғ бошини чалди туман,
 Менга бўлди охир замон,
 Ҳовлига келган ўхшайди
 Меҳмон эмас, бизга душман.
 Рози бўлинг, хуш қолинг, жўралар,
 Ҳам домуллам, ёру жўралар.

Шунда домласининг захраси учиб: «— Сен бир катта кишининг эрка боласисан. Ҳушинг тоблайди келасан мактабга, ҳушинг келмаса, келмайсан, ўйлаб юра берасан. Ҳар вақтда отанг келганда менга захрини солади. Э, домулла, тўрт ёшидан бери сизнинг олдингизга келди. Менинг болам ҳали ҳам дарсга тушунмайди, сабаби нима?»— деб отангиз бизни хафа қилади:

Дарҳайронман сенинг юришингга,
 Боргин меҳмон келган бўлса.
 Тезроқ меҳмонни жўнатиб
 Дарров қайтиб кел бунда.
 Ҳаққа қилиб оху дотди,
 Гавдада жон ғаниматди,
 Хўп, қуллуқ домулла, деб
 Нуралихон изига қайтди.

Муллалар сер солиб хат жумига,
Кема юзар оқар дарё гумига,
Еши еттида, бегижон
Қанизни солиб дамига.

Шу вақтда югуриб-елиб, уйга келиб, тўқсон бошли оқ ўтовнинг бўсағасида туриб, энасига салом берди. Жузумкўз жойидан туриб, икки оёқни ерга тираб, бошига рўмолини ўраб, бек Нуралихонга қараб, бир сўз деди:

Отни майдонда желибди,
Олмосни белига чалибди,
Богдод мамлакатига бориб,
Қилич уриб, найза суриб,
Отанг Богдодга бек бўлибди.
Ойдан орувли юзим,
Иўлингда термулди юзим,
Худодан тилаб олган ёлғизим,
Аҳмад бобонг қуллуқ бўлсинга келибди,
Бир ўзи эмас, қирқ йигитни олибди.
Ота кетса, уйда ўғил бўлмайми,
Меҳмон келса олиб отин бойламайми,
Меҳмон остига тўшак ташлаб,
Келган меҳмоннинг вақтин хушлаб,
Ота кетса, уйда ўғил турмайми?

Ана энди Нуралихон опасига қараб, бир сўз деди:

Елгончи, фоний дунёда
Бобомдир Гўрўғли султон,
Дунёдан ўтган бенишон,
Отанинг исми Авазхон,
Рози бўл берган сутингдан,
Сенга айтаман, энажон.
Уйласам Чамбилда юрмоқ гумон,
Нохосдан меҳмон бўлиб келибди
Аззозил Аҳмад беимон,
Менга шул кун охир замон.
Меҳмон эмас, асл душман,
Берган сутдан бўлгин рози,
Мени десанг, энажон.
Олиб бер керага бошидан
Довуд сузган қайқи пўлатди,

Агарда кучим баробар келса,
Ер билан яксон қилайин
Қулли бўлсинга келган Аҳмадди,
Аҳмад изидан қўйдай қирай
Эргашиб келган қирқ йигитди.

Нурали энасининг қилиб ўтирган ишига дарҳайрон бўлди. Тўққиз тусда таом тах¹ бўлган, дастархонга нон ўралиб чах² бўлган.—Қўп нодонлик қилма, ёлғиз қўзим, бобонга бориб салом бериб, отангнинг ҳақиға дуойи давлат олгин, зиёфат тортар вақт бўлган. Насиҳатимга кўнмасанг, берган сутдан рози бўлмайман,— деди.

Нуралихон энасининг гапини ташлай олмай, Аҳмад вазирни назаргоҳидан бориб, ҳақ йўлига салом берди. Шунда Аҳмад вазир:—Эй Нуралихон, вақтли келмайсиз, бизнинг ишимиз жуда зарур эди. Энангиз қўймай отдан туширди. Отангизнинг беқлигини қуллуқ бўлсин қилиб, дуойи давлат қилиб, биз дарров кетмоқчи эдик. Тездан келмадингиз, болам. Сизнинг йўлингизга қараб мустар бўлдим. Гўрўғли бобонгиз: «Тез бориб, отдан тушмай қайтдингиз»,— деб эди. Сизга қараб анча кечга қолдим,— деди. Шунда Нурали уч марталаб қуллуқ қилди. Аҳмадхон қўлини очиб, қўшига дуойи давлат қилди.

Утар дунё, чиқар жон,
Ҳар гиёҳдан териб дон.
Қўлингдан келса, халойиқ,
Дастархон ёзиб беринг нон.

Нурали бекнинг уст-устига тўққиз турли таом тортиб, қўл қовуштириб, қуллуқ қилиб турган чоғи эди. Шунда Аҳмад вазир жойидан турди, Нуралининг икки кокилидан билагига бир-икки ўраб, ерга ўтирди. Нуралихон чирқираб йиғлаб берди.

Ҳаво ёғса, чашма суви лойланди,
Нуралихон гуноҳкор бўп бойланди.
Дўмбирада жўра тор,
Бирини чертса, бири бор,
Опанг ўлсин, оғам деб
Оқ юзига тирноқ солиб,
Сумбул сочини юлиб,

¹ Тахт.

² Чоқ.

Устига келиб тайлади.
 Аҳмадхон жойидан туриб,
 Чирқиратиб, зор йиғлатиб.
 Буни ҳам қўшиб бойлади.
 От чопилса чангир даши,
 Ҳаққа етсин нолиши,
 Энажон, деб зор йиғлаб,
 Жузумкўз энасига етишди.
 Икки гўдакнинг товуши.
 Гапирган гапини ўйлаб,
 Сўнаю суқсурдай бўйлаб,
 Турди жойидан Жузумкўз.
 Ойдан ёруғ бўлди юзим,
 Энди иккингининг олдинда,
 Эна бўлсам ўлим лозим,
 Нима гуноҳим бор эди
 Жондан ортиқ икки қўзим.
 Уқиган қойил зеҳнига,
 Қашқа паранг мерганларнинг эйнига,
 Ярим кеча ҳаддинг қилиб,
 Ё бўлмаса бориб кирибмидинг
 Аҳмадхоннинг қизин қўйнига.
 Очилса гулнинг дастиги,
 Қаранг душманнинг қасдига,
 Энанг ўлсин, қўш болам, деб
 Ташлади икковига Жузумкўз,
 Икки бачанинг устига.
 Душман келиб, булар ҳўйлади,
 Чирқиратиб сочидан олиб,
 Буни ҳам қўшиб бойлади.
 Йиғлатиб жойидан турғизиб,
 Қўйга ўхшатиб боғлаб,
 Чамбил бозорига ҳайдади.

Ана энди Нуралихон зор-зор йиғлаб, дарвозасига етишди. Авазнинг бир дарвозабон бобоси бор эди. Буларнинг аҳволига қараб:— Аҳмад вазир, ҳайф сенга. Бу бир лодонларнинг ҳеч гуноҳи йўқ. Авазни хотир қилмасанг ҳам, Гўрўглини ҳурмат қилсанг керак эди,— деди. Аҳмад:— Эй, туркман элай, дарвозабонни хандаққа йиқитиб ташла, қирқ пахса оқ деворни устидан бостириб ташла!— деди. Қирқ йигит деворга кетмон қўйиб, бобонинг устига бостирди.

Шунда ҳар қадамда учовининг бошига қамчи уриб, ойдаи бетини суриб, ҳайдаб, отга тобонини бостириб,

Чамбилнинг қул бозорига олиб борди. Эрон мамлакатидан бир савдогар саройда ётган эди. Савдогар ишини тамом битириб, эртасига жўнамоққа ихтиёр қилиб турган чоғи эди. «Чамбилнинг қул бозоридан бир қул харид қилиб келай»,— деб савдогар қул бозорига борди.— Қани, Аҳмад вазир, бу ўлтиришинг нечук?— деди. Аҳмад:— Ўлтиришимни сўрасанг, отамдан қанча қулу чўри қолган эди. Шу учови қолган экан отамнинг давлатидан. Андак чой пули қилайин, деб бозорга олиб келдим,— деди. Шунда савдогар учовинг қошига келиб:— Эй, Аҳмад вазир, сен анча катта одамсан, нархи билан айтсанг, бизга шу қулбача керак. Аҳмад:— Эй, савдогар, дунёнг ўзинг билан. Олар бўлсанг учовини ҳам ол. Менда айриб сотмоқлик қоида эмас,— деди.

Савдогар:— Эй, Аҳмад вазир, етса молим, етмаса, таңда бир чивиндай ширин жоним, айт учовининг нархини,— деди.— Эй савдогар хаёли бошқа, ўнта бўлса ҳам бир байтал дейди бунинг нархини: қирқта бўлса ҳам бир байтал дейди нархини. Битта байтал олиб келсанг,— деди. Савдогар:— Байтал биздан, бул учови сендан, пухта гапни эшитсанг мендан,— деб савдогар саройга бориб, қирқ яшар бир байтални бир кам эллик тангага олди. Бир танга даллолга берди. Эллик танга байталнинг нархи бўлди. Бир қулоч кандир икки бўйнига боғлаб, байтални етаклаб олиб келиб, Аҳмаднинг қўлига берди. Аҳмад байтални етаклаб Чамбилга қайтди. Савдогар учта озодаю шозодани ўзининг саройига олиб келди. Ранги-рўйи, тусга қараб, ўз танасига ўйлади: «Бир гап сўрай-чи, бунинг ота-онаси ким экан, асли Чамбилбелданмикан, ё Аҳмад бир мамлакатдан олиб келганми»,— деб Нуралихонни бир хужрага етаклаб келди. Нуралихон хужрада, ўзи бўсағада турди. Шунда савдогар Нуралихондан гап сўрапти.

Қаторида гуркирайди қора нор,
Гунчасидан тоза гуллар очилар,
Еру кўкда хол айлади беру бор,
Салтанатли, саржиғали баякбор,
Юзи холли, сўзи болли, жон болам,
Қулоқ солиб қабул қилгин арзим бор.
Ёлғончидан куйган йиғлар зору зор,
Мен серайман қайда қолди кирдикор,
Отангмиди бир шаҳарга тожидор,
Не сабабдан хўрли бўлдинг баякбор.

Нуралихоннинг ойдаи кўнгли бузилди, хумор кўзидан қонли ёши тизилди. Кўз ёши билан йиглаб тўриб, савдогарга қараб, бир сўз деди:

Мен бандаман, ҳаққа қилдим оху дод,
Танда жоним бешгина кун омонат,
Елғончида, ўйлаб турсам, еиз бадавлат,
Йиғлай-йиғлай менда қолмади тоқат,
Кўз ёшим бўлганди бир менга овқат,
Мен билмайман қайда бўлса мамлакат.

Савдогар:

Келбатинг қўрқмайди келган балодан,
Сен туғилдинг қандай ота-энадан,
Кокилинг ўтибди қадди шонадан,
Эй, гап сўрайман сен ақли донодан.
Айтсам фойда йўқдир макру ҳийладан,
Хўрли бўлиб йиглаб чиқдинг қандай қалъадан,
Яширмагин тагин, мейдан қўрқмагин,
Елғончи, фоний дунёда сен
Пайдо бўлган нечук ота-энадан?

Нуралихон:

Тоғ бошини чалди туман,
Қалламдан кетди қирмизи қон,
Танда омонат ширин жон,
Алаимни кўп қўзғотманг,
Сотиб олиб келган мирзажон.
Очилган боғларнинг гули,
Шунқор тепиб синган бели,
Эй, Мирзажон, отамнинг тайини йўқ,
Ана турган бахти қора
Иккови ўрдага чўри.
Асли ўзингни сўрасангиз,
Мен Аҳмаднинг жиловдор қули,
Осмонда бор ёрқин ойи,
Отамнинг йўқ даргойи,
Елғончидан ўчган чиқар чироғи.

Чамбил мамлакатида менда ҳеч бир ёру биродар, ғамхўр киши йўқ. Елғончи, фоний дунёда хор бўлгандир азиз бошим. Отамнинг йўқдир тайини, мен айтай гапнинг чинини. Кўҳна алаим кўзғатманг. Эй, савдогар,

бўлишим, туришим, турмишим шу. Энди мени кўп йиғлатманг, мирзажон. Ҳарчандки қилди, бача ростини айтмади: «Аёл деган ақли чўтирроқ бўлади. Бача бўлса ҳам зийраклиги жуда ҳам зиёд экан. Буни қўйиб, қиз боладан гапни топмасам»,— деб савдогар буни чиқариб, Гулнорни олиб келиб, ҳужрага солиб, бундан гап сўрапти:

Обод бўлсин макон, тузи,
Сарғаймасин ойдай юзи,
Шулдир мирзангнинг сўзи,
Ростин дегин, жон қўзим,
Ёлғончи, фоний дунёда
Ўзингсан кимнинг эрка қизи.
Оламга термилиб кўзи,
Шул бўлар мирзангнинг арзи,
Чамбил мамлакатида
Сенинг отангни ким дейди,
Ўзингсан кимнинг қизи.

Гулноранинг ойдай қомати букилиб, хумор кўзидан ёши тўкилиб, савдогарга қуллуқ қилиб, бир сўз деди:

Мен бандаман сизга қилай арзу дод.
Ёлғончида ўзингиз сиз бадавлат,
Мен билмайман не кечади оқибат,
Йиғлай-йиғлай кўзда ёшлар бўлди овқат.
Армон билан душман қўлига тушиб,
Олган бўлсангиз, бизни мирзамжон,
Кўҳна аламимни қўзғатманг,
Бизга шу кун охири замон.

Чамбил бозорига солди.
Аҳмад вазир бегумон.
Аҳмад қилди шунча зулм,
Армон билан боғланди қўлим.
Шунқор тепиб, синди белим,
Отамнинг йўқдир тайини.
Тоғлар боши хиёбон,
Бир худойим соябон,
Бизга бугун охир замон,
Мен отамни қайдан айтай.
Отамнинг йўқдир дараги,
Ярали бўлган юраги,
Учган ўхшайди, мирзажон,
Дунёдан ёнган чироғи.

Гапим шу сизга, мирзажон,
Ҳеч отамнинг йўқдир тайини.

Шунда савдогар гапнинг чинини топмоқ учун бунга
сиёсат қилди:

Бозорда каппон тагида
Қайиқчига савдо қилиб,
Етади Чамбил аллоби,
Асли ўзимни сўрасанг,
Ўзимман одам жаллоби.
Айтмасанг, айтма чинингни,
Аҳмаднинг қилгани ҳам қилганми,
Энди менинг дастимдан
Кўр кўрадиган кунингни.
Учовингни олиб бир байталга,
Ҳар бирингни бир-бирингдан айириб,
Одам жаллоблигимнинг белгиси,
Биттангни сотаман қирқ байталга.
Олис қолгандир кирдикор,
Қўлдан кетмасин номус, ор,
Исмимни дейди Малла савдогар,
Қилиб юрган менинг касбим,
Бор баракадан фойда қилиб,
Фойда қувиб юрган талабгор.
Сира айтмагин чинингни,
Мунча ютдинг динингни,
Айтар эдинг, ҳақлаб ер эдинг нонингни.
Ҳали ҳам қўрқма, жон болам, бу Чамбил
Мамлакатда ота-энангни ким дейди.

Шунда Гулнор сиёсатдан қўрқиб, бир сўз деди:

Утар дунё, чиқар жон,
Обод бўлсин Чамбил қўрғон
Бу кунлар бизга қанча армон,
Дунёдан ўтган бенишон,
Қулоқсоб эшитинг, мирзажон,
Бобом амир Гўрўғли султон.
Қиз мазгили Зарчаман,
Бизга бугун охир замон,
Айтмасам, қўймадингиз, мирзажон.
Ўзи энамди отаси, бир бобомдир,
Дейди зўр Қорахон — кесар калласи гумбаз,
Мушкул ишни осон қилганди шоввоз,

Ҳар киптининг ораси —
 Газласангиз, чиқади ўн саккиз газ.
 Найзаси бор ўн саккиз газ,
 Минган отидир ғоввоз,
 Жанжалли кун добилбоз,
 Қандай айтайин, мирзажон,
 Қиблагоҳимдир ботир Аваз.
 Обод бўлсин Чамбил туз,
 Сизга шул бўлар айтган сўз,
 Ҳақ бўлсин бизга берган туз,
 Отамнинг йўқлигин билиб,
 Бизни бозорга солди Аҳмад имонсиз.
 Энамнинг оти Жузумкўз,
 Узимнинг отим Гулнор.
 Бошида бор дурраи шоли,
 Оқ юзида жўра холи,
 Ҳар кўрганда юрак ёлли,
 Сўлмасин боғларнинг гули,
 Сизга айтаман, мирзажон,
 Оғамнинг оти Нурали.
 Очилган боғнинг лоласи,
 Ҳаққа етсин куйган қул ноласи,
 Энди Чамбил мамлакатида
 Отамнинг қўрғон-қалъаси,
 Муштипарман, арзим шулдир.
 Кўҳна аламин қўзғоманг.
 Қутқориб душман қўлидан,
 Армон билан бенасиб бўлдим
 Бузруқ Чамбил белидан.
 Қўлдан кетгандир номус-ор,
 Сабил бўлиб Чамбил кирдикор,
 Бобом эди Чамбил тождори,
 Отамиз биздан беҳабар,
 Энди атайин аслимни,
 Отам ботир Авазхон шунқор.

Савдогар жойидан туриб, қўлидан етаклаб ташқари-
 рига чиқариб, учовининг ранги-рўйига қараб, қиммат-
 баҳо матолардан бир той матани очиб, машиначини ай-
 тиб келиб, икки сидра эркакча лозим, икки сидра аёл-
 ларга лозим буюриб, тиктириб берди. Тоза кийимни
 кийдириб, бир муллани айтиб келиб, Нуралихонни ўғ-
 лийм, деди, Гулнорни қизим, деди, Жузумкўзни синглим,
 деди. «Етса молим, етмаса Чамбил мамлакатига Қора
 Қалламни гаровга қўйиб, омон-эсон, соғ-саломат Аваз-

хон келгунча оёқлига тептирмайман, мурдор қўлига туттирмайман, хорлатмай боқарман, иншооло. Авазхон қайси вақт келса омонатини омонда қўлига топшириб, сўнг Эрон мамлакатига кетишга ихтиёр қиларман. Авазхон келмаса, моли дунём сарф бўлса ҳам, ҳар нечук буларни овқатига худо берувчи қиларман». Шундай деб савдогар овқатни еб, домлага ҳам бош-оёқ сарпо, хайрманзур қилиб жўнатди.

Эртасига икковини олиб бориб, шу домланинг олди-га мактабга қўйди. Бу орадан бир ҳафта, ўн кун ўтди. Бир кун вазир Аҳмадхон Чамбилнинг ўрда бозорига чиқиб, савдогарларни кўрди.— Эй савдогар, эртага жўнайман, деб эдинг. Сабаб не бўлди, жўнамай қолдинг?— деди. Савдогар:— Иккита чўри, битта қулни бир байталга сотдинг. Энди Аваз келгунча, болаларига эга бўлгунча молу дунёни шу учовига сарф қилиб ётарман,— деди.— Эй савдогар,— деди Аҳмад,— кўчсанг, кўч шу саройдан, кўчмайдиган бўлсанг мен қайтдим бу савдодан. Бир байталинга қирқ байтал олгин.

Савдогар:— Эй, Аҳмад вазир, эшит сўзимни. Сен-ку, байтал дейсан. Чилтан солган Чамбилбелни, қирқ беш лак туркман элни, пештоқда турган тождорни, даштда, шаҳарда юрган молу дунёни тўрпоқ-тўрпоғи билан қўшиб берсанг ҳам, хаёлингдан кечиргин, бу савдодан мен қайтайман,— деди.

Шунда Аҳмад:— Хайр бўлмаса, сен шу гапингда тургин, мендан кўргин томошани,— деб уйига бориб, анжому аслоҳа — яроқ билан қирқ йигитини йиғиб келиб, савдогарнинг молу дунёсини, зархарид қулу чўрисини таламоққа маъзур қилди. Шунда оқсоқоллар туриб савдогарга айтди:— Эй савдогар, ёмон билан ким баробар бўлибди, сен баробар бўласанми. «Ёмондан ё қоч-да, тон-да, қутуласан»,— деган гап бор. Бу қўрқмаса ҳам, сен қўрққандай бўлгин. Давлатинг камаймайди. Энди Чамбил мамлакатидан кўчарни ихтиёр қилгин. Савдогар хўп, деб жойидан туриб, икки устани асбоби билан олиб келди, бир жуфт кажава буюрди. Кажавани усталар биткариб берди. Шу бугун пешин ҳаддида куннинг ўнгу чапини сўрамасдан жўнамоққа ихтиёр қилди. Бесабаб битмас, бекамол тонг отмас. Аҳмад жанжалга сабаб бўлди. Бир туяга кажавани ортиб, кажаванинг бир ёғига Жузумкўз билан Гулнорни солди. Бир ёғига Нуралихоннинг жасади, мучаси кучлимикан, иккови баробар келди. Қирқ туяга зеру забар юклаб, олти ой ётган Малла савдогар пешин-пешин чоғида салтанат

билан, сиёсат билан мамлакатига қараб Чамбилбелдан жўнаб чиқди. Гапнинг қисқаси, йўлнинг тўтаси, шул орада савдогар бир неча шабрўз йўл тортиб, Қизилсув деган чашма бор эди, ана шу чашмага бориб қўнди. Туяларни чўктириб, юкларни тушириб олиб, туялар овсарини бўйнига чиқариб қўйиб, бир фасл ўтласин, деб ҳайдаб қўйди. Олов ёқиб, бир ерга самаворни қўйди, бир ердан ўчоқ қилиб, ош-палов қилмоқчи бўлиб қозонни қурди. Самовар қайнади, бир-бир чойнакдан чойни ичиб олди. Чойни ичиб бўлганча, ош ҳам пишиб тобга келди. Ошни ҳам сузиб еб бўлди. Энди жойидан туриб туяларни йиғиб келди, чўктириб юк ортмоқни талаб қилди.

Бектош кофир минг киши билан чўлма-чўл, тоғма-тоғ ов овлаб юрар эди, Аҳмад бундан хабардор эди, Бектош билан ошналиги бор эди. Бу кўчган баробаринда Аҳмад одам юбориб: «Эй, Бектош, ҳушёр бўлгин, катта йўл билан, молу дунё билан устингдан бориб қоллар. Қўлга тушириб олсанг, ҳаммани хурсанд қилсанг, бўлган баённи менга маълум қилсанг, шунда менинг жоним ором топади», деган эди. Шунда Бектош нохосда савдогар устидан келиб қолди. Бектош савдогарни ўлдириб, молу дунёсини талаб олди, кажавани ойболта билан бўлак-бўлак қилиб ташлади. Бу учовининг оқ билагидан ушлаб, қўлларини кетига боғлаб, қанча бир зулмлар билан отга тобонини бостириб, ўлжа қилиб ҳайдаб кетди. Ана энди, бу ҳайдаб кета берсин, гапни Авазхондан эшитинг.

Аваз уч ой ухлаб, уйқудан турди. Кўзини очиб, йўлбарсдай оҳ уриб, жойидан сакраб туриб, Фиротни эгарасбобини устига солди. Фиротни сошлаб, устига минди, жиловини ростлаб ушлаб, қирмиз лабини тишлаб, Богдод қайдасан, деб от бошни рост қилиб турди.

Елғончи фоний дунёда
 Улмаган қул даврон сурди.
 От ёлига Авазхон,
 Ярашиққа бўлсин деб,
 Туймалар териб урди,
 Ғазоли кун ботир Аваз
 Қилич уриб, найза суриб,
 Душманини қўйдаи қирди.

Пешин-пешин ҳаддида от ўйнатиб, сувлиқ чайнатиб беш юз овулнинг устидан эниб борди. Беш юз овулнинг каттакон номдорини Қорахон элбеги дер эди. Қорахон

элбеги пешин намозини ўқиб, уйнинг соясига тўшак ташлатиб, бир чойнак чой, дастурхонда нон олдига олган чоғи эди. Баланддан қараб эниб келаётган Авазхонни кўрди. На қиш, на ёз, на баҳор шу беш юз эли билан ҳеч бир ёққа кўчмасдан ўтирар эди. Шу йўлдан хоҳ отли, хоҳ пиёда-нечук одам бўлса, бир кеча меҳмон қилиб, обу таҳоратини бермай жўнатмас эди. Элбеги Авазхонга шунча сер солиб қарайди, ўн йил нарисси, йигирма йилда бу хилда одам келиб, даргоҳида меҳмон бўлган эмас. Ойдай қомати, Рустамга менгзайди жасади, олти ой тушмасдан чопса ҳам, қолмас эди осмондаги қанотли қушдан оти. Шунда элбеги бир неча кун меҳмон қилмоқни истади.

Элбегининг бир қизи бор эди, номини Оқбилак ойим дер эди. Ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, кўкрагида чангал тўлган бези бор, қўлида дапу доира, чанқовузи бор, гирдида қирқ канизи бор. Тўқсон бошли ўтов тиктириб, уйдан анча нарироқ қўндирган эди. Элбеги хотинига қараб:— Эй хотин, чопсон¹ жойингдан тургин, чопсон қизингга боргин. Бир кеча минг кеча бўлмайди. Биров келади, биров кетади, бу келаётган меҳмон меҳмонхонага лозим бўлмайди. Шунинг учун қизинг ўтовни бўшатсин, мушку анбар ушатсин, тутилмаган жойхоблардан² меҳмон остига тўшатсин. Яқин атрофда бундай одам бу йўлдан ўтган эмас, ё кечалаб ўтса ҳам, бу ерга меҳмон бўлган эмас — деди. Байбича:—хўп,—деб жойидан сакраб турди. Югуриб ўтовга борди. Утовнинг бўсағасидан ушлаб, зулфизарни тишлаб, Оқбилак ойимга қараб, сўнгжираб-ҳолсираб бир сўз деди:

— Ойдан орувли юзим.
Учмасин босган изим,
Мен сенга арзга келдим,
Арзимни тингла, жон қўзим.
— От чопса чангир биёбон,
Отам бор Элбеги Қорахон,
Айтинг арзингизни, эшитай,
Хизматга келган энажон.
— Отни майдонда елибди,
Олмосни белига чалибди,
Насиба ҳайдаб отангизга
Бир азиз меҳмон келибди.

¹ Кўрпа-тўшак.

² Чаққон.

Осмонда ёрқин ойингди (р),
 Саргайтма рангу рўйингди,
 Шу меҳмонни сақламоққа
 Бадавлат отанг буюрди.
 Тилаб келдим ўтовингди,
 Беш юз овулнинг элоти
 Ийгилиб есин тўйингди,
 Азиз меҳмон бир келибди,
 Тилаб келдим ўтовингди.
 — Отлар чопилиб одога,
 Қушлар қўнди ходаго,
 Кўп гапирманг, энажон,
 Мен ўтовни бермайман
 Ҳар қандай юрган гадога.
 — От чопса гумбур тоғнинг дараси,
 Тортиб гапиргин тилингни,
 Бермасанг ҳам ўтовингни,
 Гадо эмас, ўйласам ўхшайди,
 Бир шаҳарнинг тўраси.
 Беклар минар бедов отнинг белига,
 Миришкорлар қушни чуяр кўлига,
 Сендай олакўз, сассиқ қизларни олмайман
 Шу келган меҳмон кокилининг бир толига.
 Бачаликдан қайтармадим райингни,
 Сабаб билан насиб қилса,
 Мен топганман куёвингни.
 Оқ ипакдан қилдим кўйлак бовингни,
 Саргайтмадим рангинг билан рўйингни.
 Ишонмасанг, жон қўзим,
 Жойингдан туриб кўр ўзинг.
 Тақдир қилса, жон болам,
 Мен топдим куёвингни.
 Шу сабабдан мен келиб,
 Тиладим шу ўтовингни.
 Яратган парвардигардан
 Тилайман тансовингни¹.
 Шу сабабдан, жон қўзим,
 Мен айтаман, сен эшитгин,
 Тутилмаган жойхоблардан
 Меҳмон тагига тўшатгин,
 Мушкию анбарлардан
 Қатма-қатига ушатгин.

¹ Танинг соғлигини.

Шундай деган сўнг энаси, Оқбилакой канизларига
қараб, бир сўз деди:

Унг бошдаги олти қиз,
Чап ёнбошда етти қиз,
Орқамдаги тўққиз қиз,
Манглайдаги саккиз қиз,
Оғзи тўла чақич қиз,
Гапга тушмаган ҳўкиз қиз,
Нечовинг қўлимдан ушла,
Ҳар тарафимдан икковдан,
Тўртовинг қўлтиқдан суя.
Мендан айиб ўтмасин,
Тилим тойиб кетмасин.
Рўмол билан елпигин
Қўйлагим терга ботмасин.
Имо билан суянглар,
Оч белимга зил етмасин,
Ковуш патагин қалин сол,
Оёғимни қабартмасин.
Осмон баҳра олиб ойдан,
Кўрган қувониб рўйдан,
Бир нечта каниз бўлиб,
Қўлтиғидан суяв бериб,
Аранг турғизди жойидан.
Аста бўсағага бориб,
Неча жапсарни ёриб,
Ойдаи қоматига,
Рустамдай жасадига,
Остида беш ярим газ туркман отига,
Сер солиб Оқбилак қарай берди.

Ана кўрса, кўргудай экан, кўнгил бергудай экан, агар
ғафлатда ухлаб ётса, ҳеч кимга билдирмаса, қўйнига
киргудай экан. Қизнинг анча кўнгли тўлди, энасининг
айтгани келди. Утов теварагини супуртириб, хумдаги
яхдай сувдан айлантриб септирди. Тутилмаган жойхоб-
лардан ўттиз олти қават кўрпачани қатма-қатига тўшат-
ди, кўрпанинг қатма-қатига мушкию атир ушатди, ўн
саккиз қабат лўла-такия азиз бошига қўндирди. Бир не-
ча тун гули райҳонни ҳар атрофига қўйдиртди.

Ана шу мақомда Оқбилак дапу дойрани чалиб, кўр-
ганининг онгини олиб, юрганда бели толиб, ўнг қўлини
тўлғаб олиб, тўқсон икки турли рўмол азиз бошига со-
либ, хол қўйиб, атлас-ловдонлардан кийиб, гарданига

қора зулфини мисқоли чойнакдай қилиб туйиб, сочбо-
ғини лачакка солиб, гирдига қирқ қизини йиғибди,

Тоғларнинг боши хиёбон,
Яратган эгам бўлсин соябон,
Қорахон Элбегининг қизи
Ўтовдан чиқиб ташқари,
Отасининг уйига бўлди равон.
Фирот жиловидан етаклаб,
Ўтов эшигига олиб келиб,
Бўсағага отни кўндаланг қилиб,
Суяб Авазни тушириб олиб,
Фиротни унча ерга олиб бориб,
Гулмихни ерга тепди,
Гулмих қирқ қарич ерга ботди,
Беркитиб бойлаб Фиротди,
Маҳрам, деб Авазни ўтовга солди.

Авазхон нордай бўлиб бориб, ўтовнинг ўртасига кўн-
ди. Қўл олиб ботир Авазхон элбегининг қўшига қўшқўл-
лаб фотиҳа қилди. Элбеги ҳам Авазхоннинг ҳақиға дуо
қилди. Омон-омон, соғ-саломат сўрашиб, ўтгандан, кет-
гандан, келишидан ана гурингни қила берди.

Ўтар дунё, чиқар жон,
Ҳар гнёҳдан териб дон,
Худо берса ўғилни,
Ўлмай қилинг саводхон,
Қўлингдан келса, халойиқ,
Ёзиб дастирхон, беринг нон.
Ўлган сўнг охир вақти
Бақувватдир бошга имон,
Азизим дейди, ёзади
Машратдан қилган дастурхон.
Байлайди безабонини,
Истар бўлди қўрғонини,
Азизим, деб ташлай берди
Оқ буғдой ширмой нонини.
Худонинг нури сизу биз,
Сарғаймасин нурли юз,
Таом келади изма-из.
Азизим, деб тўкиб кетди
Тақсимчада майда майиз.
Саҳар жилади субҳи шом,
Маҳрам қўлида тилла жом,
Дарди қилди қанча ситам,

Олиб, кел, дейди дам-бадам,
 Ул устидан тўкади
 Чақилган писта-бодом.
 Уйласа, дунё ўтди
 Тербайиб тожу давлатди,
 Азизим, деб ушатди
 Қутидан қанду новватди.
 Ёлгончи фоний дунёда
 Исминдир Жўра юзбоши,
 Тонг-ла маҳшарга борганда,
 Ёруғ бўлсин ойдаи юзим.
 Халойиқ ичинда ўлтириб,
 Дўмбирани қўлга олсам,
 Хаста бўлмасин овозим.
 Азизим, деб, олиб келди
 Бир лаганда осма узум.
 Ҳурматлаб келган кишини.
 Азизим, деб, босиб келди
 Девзира биринч ошизи,
 Ул устидан босиб келди
 Тандири ширбоз гўшини.
 Осмонда ёрқин ойди (р),
 Ёд айлаб қодир худойди,
 Одам тупроқ, бошдан лойди,
 Азизим, деб, олиб келди
 Ҳазми таом аччиқ чойди.
 Ой бориб қиблага ботди,
 Тебратиб оғир давлатди,
 Азизим, деб, элбеги
 Тўққиз турли таом тортди.

Таомни еб бўлиб, таомнинг ҳақиға қўл очиб дуо қилиб, дастурхон, анжом йиғилди. Хуфтон бўлди. Хуфтондан сўнг элбеги жойидан туриб:— От устида йўл юриб келгансиз, гурунг эртага боқимонда,— деб чиқиб кетди, бориб жойига ётди. Авазхон элбегини кетказиб: «Бепарво ётишим бўлмайди. Фиротдан бошқа менга ғамхўрим ким бор. Ҳар бир босган изимдан икки кам етмиш ғаним туради»,— деб Фиротни олиб келиб, ўтовнинг бўсағасига бойлади. Авазхон жойи хобга чиқиб ётди. Эндиги гапни элбегининг қизидан эшитинг.

Отасини уйқуга кетказиб, энасини ҳам уйқуга кетказиб, қизларни, канизларни ҳам ухлатиб:

Тоғларнинг боши жонади,

Яратган пушти паноди,
Барчани барваста қилган
Билсанг ота-энади,
Ун тўрт яшар паризод
Утовига қараб жўнади.
Биг-биқирдаб, биқирдаб,
Пошнадаги михчалар
Тошга тегмай тиқирдаб,
Аста паризод жўнади
Маст какликдай қиқирдаб.
Оч бели узуккина,
Мажнун тол химчадай,
Икки юзи йилтиллаб,
Новвой, ширмойи кулчадай.
Бўксаси бор пахтайгина,
Баззоз қўйган бўғчасидай,
Зулфин тишлаб қўйди қадам,
Тоғда кийик тувчасидай.
Очилган боғларнинг гули,
Юрганда толди бели.
Аста-аста қадам қўйиб,
Қора зулфин учдан туйиб,
Бир худодан ҳиммат тилаб,
Авазхонга кетган ишқи,
Интилиб ўтовга кетди.
Интилиб ўтовга етиб,
Утов жапсарини ёриб,
Ётган Авазхонни кўриб,
Бошидан қараса қизгина,
Бошидан қалпоғи тушган
Оппоқ қордай тўшига.
Авазхоннинг қўш кокили
Тўшига ярашиб ётган.
Шу замонда қизгина
Қолмади сабру қарори.
«Қул-қул дегич эдилар,
Қул ҳам бўлса ул экан,
Худойим суйган шул экан»,—
Деб ўтовга равона бўлди.
Аста бориб бўсагадан
Бир оёғини оширди.
Уқиса қойил зеҳнидан,
Одамдан оқил дол Фирот,
Тумшуғини оширди бўйнидан.
Ойлар қиблага ботди,

От феълини ёмон чоқлаб
Аста ўзини кейин тортди.
Одамдан кўпди ақили.
Бурнидан ўтган кокили,
Авазхоннинг бош ҳамроёи,
Жуда ҳам зийрак бўз тарлони,—

деб эшитар эдим илгари. Қани, бунга яхши гаплардан,
яхши сўзлардан айтиб қичқирай. Агар ақли бўлса, йўл
берса, мен Авазхон қошига кирай.

Қизлар ўйнайди қўғирчоқ,
Қирқ минг қирқ тўрт шаҳарда
Йўқдир сендайин тўбичоқ.
Чопган еринг тақирчоқ,
Кўрмадим сендай тўбичоқ,
Насиб бўлса дол Фирот,
Кўнглингга оғир гап келмасин,
Узим Чамбилга келинчак.
Олис қолган мамлакати,
Ғафлат уйқуда ётган
Бефарзанд султон фарзанди.
Насиб бўлса дол Фирот,
Корим бўлиб йўл берсанг,
Мен борай Аваз қошига,
Қўл солай қордай тўшига,
Хаёлинг бошқа бўлинмай,
Қулоқ солиб эшитгин,
Мен совғатиман Чамбил қўшига.

Шу вақти Фирот бу сўзларни эшитиб, ёнбош бўлиб,
андак йўл берди. Паризод бўсагадан оёқ учисида бориб,
авайлаб юқорига қўл узатди. Қизнинг қўлининг исига
Аваз бош кўтарди.

Бошига рўмолини чатди,
Кўринг шу паризодди,
Авазхоннинг қордай тўшига
Авайлаб қўл узатди.
Уқиса қойил зеҳнига,
Қордай билагини солди
Авазхоннинг бўйнига.
Неча гапларни айтди,
Авазхон араби отига,
Дол бўйинини чўзиб бориб,

Хол ярашган ойда юзини
Қўйди Авазнинг оғзига.

Авазхон чала уйқудан уйғониб, чап қўли билан шундай қизнинг кўкрагидан ушлаб:— Эй, киш, шундай вақтда ҳам пашша бўларми,— деб чангаллаб отиб юборди, қиз бориб бўсағага ўтирди. Шу ҳамон қизгина:— Тоғлар боши тўққиз тарам, сумбил сочим ўрам-ўрам, мард йигитга уйқу ҳаром, мен сизнинг қабатингизда, совға бўлиб кетмоқчиман мамлакатингизга. Умид билан келганман. Эй, бек тўрам, нима бўлди. Уйласам ноумид қилдингиз, нима хаёлга бордингиз,— дегандан кейин Авазхон уйқудан роса уйғониб, жойидан турди. Қиличининг сопидан тутиб, қизга сиёсат қилди.

Қ и з:

— Отангиз Чамбил тождори,
Энди эшитинг, шунқорим,
Улимдан ҳазар қилмайди,
Мендайчикин муштипари.
Сизсиз Чамбил номдори,
Нозик қўлимдан ушламангиз.
Чиқмоқ гумон ўтовдан ташқари.

А в а з х о н:

— Олис қолган мамлакати,
Учар қушни қўймай минган оти,
Ўзим Чамбилнинг жаллоди,
Тез чиққин ўтовдан, қизгина,
Агар тезда чиқмасанг,
Баҳрингдан кечарман сен паризодди.

Қ и з:

— Очилган боғда гулимдан,
Чамбилдан келган шунқорим,
Ҳазар қилмайман ўлимдан.
Ҳеч бўлмаса, бек тўрам
Бир қучоқла хипча белимдан.
Ешим тўлганди кўзимдан,
Умидим кўпди ўзингдан,
Сизни деб айтаман, бек тўрам.
Бир бўса қилинг юзимдан.

Балх рӯмолим бошимда,
Кўзим тўлмасин ёшимга,
Умид қилиб келганман қошингга.

А в а з х о н:

— Қон қочмай икки юзингдан,
Кўрган қувонар ўзингдан.
Бу кеча қўйгин, ётайин,
Эрта Боғдодга кетайин,
Насиб бўлса Боғдод бориб,
Муродим ҳосил бўлса,
Чамбилга кетар бўлсам,
Қайтишда олиб кетайин.
Тўрт ёшарлик чоғида
Энчи қип миндим Ғиротди,
Олти ёшимда келиб,
Кўрганман Чамбил работди.
Мен отангга меҳмон бўлиб,
Бу хил ишлар бизга уятди.
Ун бир ёшимнинг устида
Кездим ҳар бир мамлакатди,
Ун икки ёшимнинг устиди,
Пирим берган насиҳатди:

«Эй, Авазхон, олис мамлакатга юриш қилсанг, га-
ним шаҳарга ният қилсанг, ёмон-ночор ишга хиёнат кў-
зингни солсанг, бизни пирим, деб ёд айламагайсан. Агар
ҳалоллик билан кетсанг, ёнган оловнинг ичига тушсанг
ҳам бизни ёдингга олсанг, биз худодан муродинг тилаб,
ўлимдан қутқарамиз»,— деган эди. Ана, қизгина, мен-
дан гап эшитсанг, ўзим сафар устидаман. Эй, кўзингдан,
чиққин. Ўтовдан, уйқудан қолма, қайтишимда олиб кета-
ман,— деб Авазхон қизни ўтовдан чиқарди.

Шу кеча орадан ўтди, эрта билан тонг отди, ўқиб
намози бомдодди, баракалла, элбеги торта берди зиё-
фатди. Оби-таомни еб бўлиб, Авазхон туриб жўнади.
Чошка-чошка от илғаб Боғдод шаҳарига борди, шу за-
мон иккита қаландар келиб, Авазхоннинг жиловидан
олди, неча бир гапларни айтди, Авазхонга талаб солди:

Қаторда қора норинг бор,
Истасанг номус-оринг бор,
Мамлакатингдан чиқишда,

Бизга атайлаб боғлаган
Етти тилла назринг бөр.
Сигиниб ҳазрати Мусага,
Қўлини солди киссага,
Етти тилладан ўн тўрт тилла,
Чиқариб узатди икки девонага.
Бу иккиси тиллани олмай,
Хуш келтириб Авазхонга.
— Эй, очилган боғларда ғунча,
Қаторида елар норча,
Ўзимнинг исмим айтайин,
Олис мамлакатдан чиққан бойбача.
Бизда кўпдир молу дунё,
Хушёр бўлгин, бойбача,
Даркори йўқ қизил тилланг.
Қуш қутирмай бўзимдан,
Назир берар бўлсанг бизга,
Назир берар икки юзингдан.
Баланд тоғларга, жонага,
Мен йиғлаб пушти панога,
Юргин, олиб борайин,
Хуш бўлсанг қаландархонага.
Наша солсак сархонага,
Лопиллатиб нашани чаксак,
Ярим кечадан нормоғон,
Қаравот устига чиқиб,
Хилча белдан сиқиб олиб,
Бобонг тортади сийнага,
Е, шайдулло, бо номи олло,—
Деган сўнг шу қаландар,
Тамоша қилинг Авазхонди,
Чекмак бўлди устиҳонди.
— Узим арзачи, ишим қистов,
Бир ерга меҳмон бўлмоққа,
Бобо ҳеч бир бардошим йўқ,
Сизларга тилла керак бўлмаса,
Қанча бўлса ҳам бизга керак.
Назирни олсанг олағой,
Тезроқ икковинг келағой.
Иккови келди сўзилиб,
Авазнинг хаёли бузилиб,
Ялт этди, йилт этди.
Муччи олмоқчи бўлган қаландарлар
Танадан калласи думалаб кетди.

Калласи қолди тинирлаб,
Оғзилари боради шивирлаб.

Ана шунда Авазхон отдан тушиб биттасининг энгил-бошини олди, ўзининг кийимини ечиб хуржунга солди, қаландар кийимини кийди. Бошига қулоҳ, эғнида жанда, қўлида ҳасса, бўйнида кашкул. Ана энди Авазхон қаландар бўлди. Боғдод кўчасига дохил бўлди.

Ана энди Фиротни томоша қилинг. Пирлар уч оғиз дуо ўргатган эди. Бир сиқим тупроқни ердан олиб, уч қайтариб дам солиб, Фиротнинг устига сочди. Фирот ийғини ҳаққа тешган, бош-орқаси саллали калладай шишган, ёлини шайтон эшган, у кунига ҳам қўймайди, неча жувозгарлар олиб бориб жувозга қўшган, ола қопдан довири, йигирмата яғири, чини билан югурса, пшакдай йўқ шобири бир отга айланди:

Юрай деса, тўрт оёғи толади,
Пойга қилса пиёдадан қолади.
Нўхта, ипи қирқи туюн,
Юрмаги бўлди қийин,
Олдин босган оёғи
Бирдай кетади кейин.
Ана, кўрсанг, Фиротди
Баданида йўқ бир туки.
Шу мақомда Авазхон
Кампир манзилига етди.

Момо турибди эшикни шипириб, тиккани лочиқ, усти очиқ, кампирнинг бели чечиқ, лочиқнинг гирдини олиб ётибди ўттиз олти кучук, ўн саккиз қанжиқ.

Ана шу вақти Авазхон кулоқини босиб қийган, отнинг думини тўйган, узангига оёқ тортиб, талқин айтиб талаб солиб турган чоғи эди:

Баланд тоғдан ошай десанг,
Дарё бўлиб тошай десанг,
Агар душман тўғри келса,
Ёнбошидан тешай десанг,
Ё, шайдулло, ба номи олло.
Талаб солдим, момо сенга.
Кўнглингда айтган садақанг бўлса
Вақтли чиқариб бергин менга.
Эй, қатордан қуруқ қолма,
Сен дуодан ноумид бўлма.

Ҳақингга дуо қилайин.
Ҳар на берсанг садақангни,
Рози бўлиб олиб кетайин,
Ё, шайдулло, ба номи олло.

Кампир шундай бошини кўтарди, қоматини рост қилиб, Авазга қараб бир сўз деди:

Худо берсин сизга шойим,
Кўриб турибсан мизгил-жойим,
Отангни дейди Булдурақассоб,
Энангни дейди говмоча.
Ўзингнинг аслинг сўрасанг,
Бир байталлик қулбача.

Авазхон:

Ўзим Қулёздан келаман,
Қаромат кўрсатган пиринг бўламан,
Етти йиллик назринг бор,
Сендан ҳисоблаб оламан.
Қора пулинг керак эмас,
Ҳақлаб берасан назримни,
Эртага десанг, қўймайман,
Нақлаб берасан назримни,
Ё, шайдулло, ба номи олло.

Кампир аста-аста Авазнинг қошига келди. Ғиротнинг жиловидан ушлаб, Авазнинг сонига бир муштлаб:— Эй, Авазхон, бу ҳийлайи найрангингни бу шаҳарда олмайди, бу гапларинг чоққа келмайди. Ўзимдан ўрганган ҳунарни ўзимга келиб сотмоқчимисан,— дейди.

Авазхон туриб:— Менинг Аваз эканимни нечук биласан, ҳамма вақт кўргандай бўласан?— деди. Унда кампир туриб айтди:— Эй, Аваз, бу бўлмаган ҳийлайи табгирни ким ўргатди сенга, билдирмасдан олиб келиб сотмоқчисанми менга?! Ушлаб отингни қозиққа бойлайман, ўзингни лочиққа бойлайман. Ҳасан тўрамнинг хотири, ҳали ҳам сени сийлайман. Тўғри келсанг, дўстлигим бор, душманлигим йўқ.

Шунда Авазнинг кўнгли тўлди, лочиқнинг эшигига келди. Отдан тушди. Кампир Ғиротни олиб бориб, чолдеворга бойлади. Қайтиб уйига келиб, Авазхоннинг тагига ўзида бор тўшакни тайлади. Ана шу вақтда Авазхон кампирнинг қўшига дуо қилиб, кампир ҳорманг, бор бўлинг қилиб, ғиринг-ғиринг қилиб чархни бошлаб, чархнинг довушига довушини қўшиб, Чамбилдаги но-

ми саркардани, намакхўрларни, Гўрўгли султон тождорни бирта-бирта сўраётган чоғи:

Отинг елдинг қулачўлдан.
Авазхон гап эшит биздан.
Ўлтириши ўмоқли,
Кўрар кўзга қўмоқли,
Ширин тил, қуръон сабоқли,
Нуқра маҳрам тобоқли,
Ботир, бодом қобоқли,
Маҳрами тилла пичоқли.
Найзаси олтин сачоқли,
Чамбилбели пештоқли,
Ёлғончи фоний дунёда
Бефарзанд, сийнаси доғли,
Чамбилбелдан омонмиди
Отангиз султон Гўрўгли?
Эрисин тоғларнинг қори,
Ёзилсин гапнинг дафтари
Юнус билан Мисқол пари,
Чамбилбелда омонмиди?
Гўрўглининг икки ёри?
Оқ айил, олтин тўқаси,
Оқ совут, мрамар ёқаси,
Гўрўгли ўлди деса,
Дуюм Чамбилбелнинг эгаси,
Туркман эли нуқта офаси,
Алвасти анинг ҳоласи,
Азозил қалин бўласи,
Шайтондан кўп ҳийласи,
Чамбилбелда омонмиди
Отангнинг Аҳмад тоғаси?
Сарғаймасин менинг тусим,
Сени кўриб кетди эсим,
Чамбилбелда омонмиди,
Ўзи Аҳмадхоннинг ёри,
Менинг Далли хирион дўсим?
Ё олло, ё насиб,
Гапирган гапи муносиб,
Узангисида қон сасиб,
Душманнинг йўлин тўсиб,
Чамбилбелдан сўрайман,
Омон-эсонми бек Юсуф?
Ўтар дунё, чиқар жон,
Обод бўлсин Чамбил қўрғон,

Сендан сўрайман, Авазхон,
Чамбилбелда омонмиди
Ўз қайнатанг Қорахон?
Юлдуз чиқар ҳар ён боқиб,
Тор кўчага машғал ёқиб,
Олтин косани қалқитиб,
Сендан сўрайман, Авазхон,
Чамбилбелда омонмиди
Ўзи сардор, бек Ёқуб?
Туялар чўккан орқовул,
Эгар бошида зумрад довул,
Чамбилбелда омонмиди
Қирқ йигит сардори бек Овул?
От чопилса чангир адир,
Қуйган банда тепар садир,
Отга солиб тилла давир,
Чамбилбелда омонмиди
Болам, сўрайман бек Назир?
От бошини майдон бурган,
Чарх уриб даврон сурган,
Қўлига милтиғин тутса,
Гўшти зое бўлмасин, деб
Қушнинг кўздан урган,
Чамбилбелда омонмиди
Қиёматли сенинг дўстинг,
Қипчоқдан келган Шодмон мерган?
Бошида бор тилла тоқи,
Қилган хизмат бекнинг ҳақи,
Авазхон, сендан сўрайман,
Чамбилбелда омонмиди,
Мирохўр боши бек Соқи?
Обод бўлсин кирдикоринг,
Ҳам кетмасин номус-оринг,
Авазхон, сендан сўрайман.
Чамбилбелда омонмиди
Зўр Қорахон эрка қизи,
Сендек йўлбарс севган ёри,
Чамбилбелда омонмиди
Ойдаё ёрқин икки бети,
Ўзингни ёринг Жузумкўз?
Дўмбирада жўра тор,
Бирини қўйса, бири бор,
Қиз ҳам бўлса муштипар.
Соғ-саломат Чамбилдами
Ўзингнинг қизинг Гулнор?

Бошида дурраи шөли,
Унг юзида жўра ҳоли,
Қатта бўлиб юрибдими
Юрак ёлинг бек тўранг,
Узингнинг ўғлинг Нурали?
Қатта-кичик, хурди-калон,
Чўйрик-чаман, яхши-ёмон,
Чамбилбелда омонмиди
Қулли хун туркман элинг?
Ҳасан полвон, Хусан полвон дер эди.
Еса талқон пориди,
Олти ботмон талқонни
Бир ҳовузга қорирди,
Чой ичишнинг олдидан
Олти ботмон талқон ер эди,
Чамбилбелда омонмиди
Чимхўр тўрам Ҳасанхон?
Оёғи сигмас йўлига,
Йигирма қулоч арқон белига,
Чамбилбелда омонми
Хипчабел тўрам Ҳасанхон?
Қўп ўт бўлар қўриғи,
Улгунча битмайди чориғи,
Менинг билан ўйнаб-кулса,
Шунда чиқади ҳордиғи.
Етмиш норнинг терисидан
Илла¹ бўлади чориғи,
Чамбилбелда омонми
Чилпойча² тўрам Ҳасанхон?
От чонган майдон дашига,
Тоғ эрур намойишига
Тўрт юз қўйнинг терисидан
Телпак бўлади бошига,
Чамбилбелда омонми,
Жўнабош тўрам Ҳасанхон?
Ҳанги эшак сағрисидан
Модахар, деб силаган.
Йўл ўткинчи кампирдан
Кафсан бер, деб тилаган,
Агар кафсан бермаса,
Уч кун ётиб жилаган,
Қалтагининг бошига

¹ Зўра.

² Оёғи ингичка.

Етмиш чинорни улаган,
Бо тагин унинг устидан
Бир ботмон чўян қоплаган,
Чамбилбелда омонми
Қамқувват тўрам Ҳасанхон?

А в а з х о н:

Қизил гулдайн сўрасан,
Қун етган кунинг ўласан,
Бойлик жойда туриб,
Қандай сан буларни биласан?

Қампир:— Эй, Авазхон, бир вақтида ўн тўрт яшар қиз эдим, осмонга учган ғоз эдим, дарёда оққан муз эдим, ҳамма қизларнинг ичида мен ҳам суяр каниз эдим. Шосапиднинг отаси вақтида отанг Гўрўғли қирқ уйли туркманни олиб Боғдод мамлакатига келди. Бошқаларнинг ҳаммаси оро жойида ухлаб ётибди. Ҳасан полвон аканг: «Эй, Гўрўғли, ҳеч биринг узатган оёғингни йиғнаманг, бу хизмат биздан етсин»,— деб калтагини қўлга тутди, калтагини сермаб отди, жон борини зор йиғлатди. Қалтақдан навбат ўтиб, телпақка навбат етди. Телпагини сермаб отди, телпагининг шамолига тўрт юз кишини йиқитди. Тағи туриб телпақни қўлига тутди. Навбат чориққа етади. Чориғини сермаб отди, ҳар бир тақа чориғи беш юздан минг киши нурадди. Тағи калтақка навбат етди. Қалтагини сермаб отди, ҳисобсиз кишини йиқитди. Яна калтақни қўлга тутди, шаҳар бир тарафини бўшатди. Тағи калтақни қўлга тутди, ақлини жамлаб, дамани ростлаб, қўрғон қалъага қараб, ё пирим, деб оёқ тираб қулочлаб отди, қўрғоннинг гирдини шундай ушатди. Жамън уламоий, пошшойи олам, вазири маҳрам бўйинларига қилич тақиб, қулликлаб Гўрўғлининг олдига чиқди. Гўрўғли қанча одам юборди, Ҳасаннинг калласи қизиган экан, Гўрўғлининг юборган одамлари, «Қўй-қўй!»— деса ҳам қўймайди, анча-мунчага тўймайди. Олти ботмон талқон, бир неча қўй, бир неча ҳўкиз Ҳасанга олиб келди, мени ҳам тўғри қилди. Шунда Ҳасан полвон тўхтаб қолди. Ана шунда менинг қўйнимда ётиб кетган эди. Ҳасан акангдан ҳозир бир ўғил бор, оти Жанжал,— деди.

Шунда Жанжал пода боқиб юриб эди. Бир теланинг устидан чиқиб лочиққа шундай қаради. Лочиқнинг ичида қаландарнинг кулоҳини кўради. Тепадан тушиб: «Ме-

ни даштга чиқариб, энамнинг амали шу экан. Бир ўйнаш топиб олиб ётгай экан»,— деб калтагини қўлига тутиб, келди уйига етиб:— Эй, қаландар, айт калмангни, олдим танангдан каллангни,— деди. Эгаси капанинг эшиги олдида: «Ҳо-ҳо, бу аччиғинг кимга, Чамбилдан аканг келган,— деди.— Акам келган бўлса, қани бир жасадига қарай,— деди. Энаси капанинг эшигини очди. Жанжал кал калтагини ташлади. Ичкарига кириб Авазхон билан кўришди. «Ҳорманг, бор бўлинг»,— дейишди. Ташқари, дала-даштда шовқин, тало-тўп бўла берди. Аваз туриб:— Жанжалбек, нима гап кўп бўлаётир даштда?— деди. Жанжал кал айтди:— Шаҳаримизни Боғдод дейди, подшомизни Шосапид дейди. Бир қизи бор, отини Ойзайнаб дейди. Шу Ойзайнаб паризод Чамбил мамлакатига хабарчи юборган экан. Авазхонни тополмасдан келибди. «Тўйни бошлайин, тўй тарқагунча, Аваз ёлғончида бор бўлса келиб қолар. Келмаган тақдирда, тақдир-да, нима бўлса шу бўлар»,— деб тўйни бошлади. Шу бугун бир улоқни чиқариб кўпқарига ташлади. От-топингиз борми? Юриш-пуриши борми? Аваз:— Юришини қаёқдан биладан, сояси ўзи билан, босган изи кетидан қолади,— деди.— Илдам экан,— деб отни ечиб олди. Узангига оёқ қўйиб, минаман деган чоғида Фирот бурилиб, қуйруғидан тишлаб олди. Устига ирғиб миниб, чув деди. Юрмади. Ура берди, дингиллади, тушайин, деса тишлади. Тағи бир солиб эди, қўш оёқлаб бир тепди, бутун бир чолдеворни нурутди. Шунда Жанжал ҳайрон бўлиб, Авазга қараб қичқира берди:

— Э, ака! Келмай кет мамлакатингдан. Чух, десам отинг юрмайди, урсам дингиллайди, тушаман десам тишлайди. Қон қочди ойдай бетимдан. Кўпқари чопмайман, емайман улоқ гўштини. Тез тушириб олгин отингдан, отинг харкаш экан. Бас қилдим кўпқарига боришни,— деди. Аваз туриб Фиротга қараб, бир сўз деди:

Жоним, Фирот, кўзим, Фирот,
 Сени минган топсин мурод,
 Устингда Жанжал омонат.
 Бизга хат юборган паризод
 Тўй бошлаганга ўхшайди,
 Жанжалнинг вақтин хуш айла,
 Қўзғол жойингдан, жонивор.

Шунда Фирот тербаниб, жойидан қўзғолиб, чордебордан ташқарига чиқди. Тақияси бошига, тоғлар эриб

нолишига, вақти чоқ бўлиб ўз ҳушига, чиқди Боғдоднинг дашига. «Қани, акамнинг отининг» ҳам йўртиши-пўртиши бормикан, чуқ»,— деб тақим қимиллатган ҳамонда Фиротнинг хаёли бузилди, тўрт оёқ ердан узилди, қанотини ёйиб, жонивор бир таноб ерга сўзилди. Тақия бошдан учди. Жанжалнинг ақли шошди, энди тўхта, каллани чивин еб кетди, деб кўпқарига янги етди. Кўпқаритоз ҳаммаси келиб, тўда бўлиб қолди. Икки минг кўпқари тозни бирдан қоқ ёриб, Фирот улоқнинг устига бориб ётди. Жанжал «энди менинг ишим тинди, вақтли чиқаринг тўдадан, от орасида оёғим синди,— деб йиғлаб, кўзини очиб қараса, улоқнинг бир пути пайини тешган экан. Авайлаб Жанжал ушлади, чўзиб тортиб олиб, тешган еридан эгарнинг бошига илди. Фирот жойидан қўзғалиб, рост бўлиб турди. Яшоннинг ўтидай тўдадан отилиб чиқди. Бир ирғишда дол Фирот нишонга отиб ташқарига чиқиб кетди. Шунда баковуллар:— Хў, Жанжал, баракалла, ҳалолладинг, кел ол тўнингни. Тўнинг устига олгин боз унингни,— деди.

Тиндириб душман ишини,
 Мен ҳам еб кўрай улоқ гўшини,
 Жанжал уйига қаратиб
 Бурди отнинг бошини.
 Югуриши шамолдан тез,
 Жанжал уйига етиб келди.
 Дарров қозонни осгин,
 Ултирма, жойдан тургин,
 Қозонга олов қўйиб,
 Гўшни қозонга солгин,—

деб Жанжал лочиқнинг эшигига тайлади, тушиб Фиротни бойлади. Энаси қозонни осиб, улоқни қозонга солди. Бул бу ерда пишаберсин, тагин Аваздан эшитинг.

Аваз:— Қани, Жанжалбек, энди нима гап бор?— деди. Жанжал:— Эй, ака, гап шул, энди кураш бошланди,— деди.— Кураш бошланган бўлса, полвонга нима беради,— деди. Жанжал:— Ана, полвонга берадигани: Йиқилганга бош-оёқ сарпо беради. Босганга етмиш беш таёқ уради,— деди. Аваз:— Бу борадиган кураш экан,— деди. Жанжал Авазонни эргаштириб жўнади. Одам йиқилган ерга етиб борди. Шунда Боғдод мамлакатининг бир полвони бор эди. Эрта билан уйқудан туриб, уч молнинг гўштини ер эди, тўқизта нон ер эди. Чойнинг ўрнига бир хум сув ичар эди. Шу ўртага чиқиб турган эди, бун-

га қеч бир одам чиқмай турган эди. Шунда Авазхон бунга талаб қилиб, бел боғлаб чиққан чоғи эди.

Осмонда бор ёрқин ой,
Мусофир эди Авазхон,
Раҳм айласин қодир худой,
Иккови ўртага чиқиб,
Энди бўлди рўпорай,
Бир-бириман учрашди,
Аваз полвонга берди навбат.

Энди навбат Авазга етди. Аввали худо, кейин пирларига сиғиниб, полвоннинг ёқасидан олиб, тепасидан уч айлантриб ерга урди, устига чиқиб тўхтади. Шунда Ойзайнаб ойим кўшқидан қараб турган эди. Халқ тўп бўлиб йиғилиб, Авазхоннинг устига келди. Авазни кўтариб етмиш беш таёқ урмоқчи бўлди, йиқилганга бош-оёқ сарпо бермоқчи бўлди. Авазхон туриб:— Ажабо, ҳайрон қоларлик. Бизнинг шаҳарларимизда йиқилган кишига қанча таадди беради. Биздай атанган полвонга тилла абзалли от беради. Бир мамлакат беклигини ҳам беради. Бу қандай гап, нечук қоида,— деган сўнг Ойзайнабнинг қошига икки кишини юборди. Ойзайнаб: «У ҳам ўз ихтиёрига ишласин, сизлар ҳам ўз ихтиёрингга ишланглар»,— деди. Бу иккови келиб:— Ҳар ким ўз қоидасида юра берсин,— деди.— Бир мамлакатнинг подабони, бир қаландарнинг гапи шу бўлса, бизга бу тўй-томошанинг кераги йўқ. Жанжал билан қаландарга даркор, деб ҳамма туриб кетди.

Жанжал билан Аваз ҳам уйига келди. Энаси бояги улоқнинг гўштини пишириб қўйган эди. Бир суякни ушлади, бир суякни тишлади. Ана подага қараб кетди. Авазхон туриб момосига:— Қани, момо, энди нима ҳунаринг бўлса қил, деди. Момоси бир бўғчани очиб, соф қимматбаҳо кийимлардан кийгизиб, неча катта рўмолларни Авазнинг бошига чайиб, қошига ўсма, кўзига сурма, икки юзига лолоб, қўлига хина қўйиб, созлаб-тузаб олиб жўнади, қизнинг кўшқисига етди. Авазни дарвозага қўйиб, ўзи паризоднинг ўрдасига борди. Бу кампир қизга энага бўлиб боқиб бўй еткарган эди.—Эй момо, қорнинг тўйибди, устинг битибди. Бир ҳафта-ўн кун бўлди. мен тўйни бошлаганим, сендан дарак, хабар бўлмади. Мен, момом ўлган, деб ётибман. Ёлғончида бор экансиз,— дегандан сўнг, кампир:— Эй, айланай сиздан, жон қизим. Менда бир ўғил билан бир қиз бор. Ўғил кечаси

келиб жанжал қилса ҳам, кундуз туриб подага кетади. Қиз энди росага етибди. Шунинг учун бир ёқда чиқа олмайман. Хушрўйликдан, бўйдан ками йўқ. Пича ақли камроқ,— деди.— Нима сабабдан ақли кам?— деди қиз. Кампир:— Ақлнинг камлиги: мен ҳам подшонинг қизига бориб каниз бўламан, дейди. Мен неча жойларда андиша қилиб олиб кела олмайман,— деди. Унда қиз:— Унинг ақли роса экан. Сизнинг ақлингиз наст экан. «Қизнинг боқувини билмаган гушг қилар эмиш, Ивакнинг сақловини билмаган, жуш қилар эмиш», деган гап бор. Шундай бўлса нимага олиб келмадингиз?— деди. Унда кампир:— Шу ерга йиғлаб эргашиб келиб эди. Сенн ўлдиреди, каллангни олдиради,— деб эдим. Йиғлаб, қўрқиб дарвозада қолиб эди. Эҳтимол ҳали ҳам шу ерда турган бўлса,— деди. Қиз:— Боринглар, момоннинг қизини олиб келинглар,— деб икки канизини юборди. Икки каниз Авазинг олдига келиб:— Юринг, момоннинг қизи,— дейишди. Шунда Аваз:— Бор, бувишинг ўзи келсин, ўзи келмаса, бормайман,— деди. Икки каниз бувишининг олдига келиб, айтди:— У бало экан, «бувишининг ўзи келмаса мен бормайман»,— деди. Қизгина жойидан туриб, Авазхоннинг олдига келди. Авазхон подшо қизига қараб, уч марта қуллуқ қилиб, қучоғини ёзиб, тўшма-тўш бўлиб кўришди. Авазин ўрдага олиб келди, кампирга бир бўғча сарпой берди. Кампир бўғчани олиб ташқарига чиқди. Қиз ҳам чиқди, хайр-маъзур қилиб жўнатди.

Хуфтондан сўнг қизгина:— Эй, момоннинг қизи, сўрамоқнинг айби йўқ, исмингизни ким дейди?— деди.— Эй, бувишим, мен исминни айтгим йўқ. Одам уялади,— деди. Қизгина:— Ажабо, киши ўз исмини айтишга ҳам уяладими?— деди.— Бувишим, қўймадингиз, меннинг исмин Эркагул,— деди. Қизгина:— Эркагул дўстим, меннинг кўнглимда аламин кўп,— деди.— Нимага аламингиз кўп? Отангиз соҳиби мамлакат бўлса, сиз подшонинг қизи бўлсангиз. Емакдан, ичмакдан, кийимдан, ёлғончида ўйин-кулкидан камлигингиз йўқ. Бизлар камбағал. Биз ўйламаймиз-у, нега сиз ўйлайсиз,— деди. Қизгина:— У жойлардан эмас менинг ғамим. Бандани худо жуфт яратган. Ҳеч бир инсон тоқ ўтмас, тақдирим нечук қўшилар экан, деб ўйлайман.— деди.— Эй, бувишим, отангизнинг давлатидан ҳар қандай одам сиздан умид қилолмайди. Подшою подшозода, ўзингиздай шаҳзода, шундай киши бўлса, кучи баробар келса, ана шундай одам сизга қўл узатади,— деди. Қизгина:— Эй, дўстимжон, худодан амр бўлса, пирлар каромат қилса, ё сен эркак

бўлсанг, мени никоҳингга олсанг, ё мени эркак қилса, сени мен никоҳимга олсам, менинг кўнглим шуни истайди. Билмайман, сенинг кўнглинг қандай?— деди. Шунда Аваз:— Эй, бувишим, кўнглингиз шундай бўладиган бўлса, шу ерда бир бузруквор бор. Эркак бориб сизинга, аёл бўлади. Аёл бориб сизинга, эркак бўлади. Иккимиз бир қўшилсак, дегандан сўнг қиз кўлига неча жуфт чироқ олди, анча назар-ниёз олди. Авазхонни эргаштириб бир харобага, катта бир мулланинг олдига олиб борди. Қизгина чироқни ёқиб, олиб борган назру ниёзини қўйиб:— Эй, очилган гулдай бўлдим, сизга мен сизни келдим, айланай, мулла-авлиё, бу қизни эркак қилиб, тилагимни бергин,— деди. Мулла дуо қилди. Шунда иккови олдин-кейин жўнай берди. Дарвозага келган чоқда Авазхон белидан сиқиб олди.— Чамбилга не сабабдан одам билан хат юбординг? Айтган Авазнинг мен бўламан,— деди. Қиз:— Оббо, Авазхон, ётган қайси деворларга менинг бунча бошимни урдирмай, аввалдан айтсанг, бўлмасмиди,— деди. Аваз:— Эй, кўзингдан, паризод, шундай бўлмаса қизиқлиги бўлмайди. Мендан умид қилган бўлсанг, мен от устида, тараддудингни егин,— деди. Қизгина туриб:— Асли тушарга меҳмон жойинг қаерда?— деди. Авазхон:— Шу момонинг уйда менинг жойим, хайр,— деб момоникига кетди. Паризод ўрдага келиб, хатхабардор қизни уйғотди. Иккови икки бўғчадан тўрт бўғчани отга ортди. Икки отни иккови миниб, Авазнинг олдига етди. Авазхон ҳам Ғиротни минди, отнинг бошини буриб ниятни Чамбилга қилди. Саҳар-саҳар чоғида элбегининг овулига келиб, йўлда туриб, Авазхон уч мартаба добил урди. Добил сасини эшитиб Оқбилак жойидан турди. Отасининг бир яхши оти бор эди. Бу ҳам созлаб, икки бўғчани ортиб, отнинг устига миниб, бу ҳам Авазнинг олдига келди. Келган Авазхон тўрт киши бўлиб Чамбилга қайтди.

Тоғ боши тўққиз тарам,
Олдингизга ўтсин карам,
Мард йигитга уйқу ҳаром,
Амалинг султон, бокарам.
Ҳорманг, ҳорманг ёлғиз тўрам.
Ловдан кўйлагинг тизангдан,
Хол ярашган нурли юзингдан,
Бепарвойи ёрим кўзингдан.
Кетмасин номус-ори,
Остида ўйнар тулпори,

Отангиз Чамбил тождори,
 Мен тасаддуқ, йўлбарс тўрам,
 Узингиз Чамбил шунқори.
 Эрнинг эри, шернинг шерн,
 Мол деганинг қўлнинг кири.
 Ювсангиз, кетар бир куни,
 Ҳорманг, ҳорманг, йўлбарс тўрам.
 Бир неча шабрўз тоғига етди.
 Сулдуз тоғини ўтиб,
 Асқарга бўлди равон,
 Улмасин ботир Авазхон.
 Тағи тўққиз шабрўз йўл тортиб,
 Намоз асир чоғида
 Тўрт отли бўлиб туришди,
 Асқар тоғига етишди.
 Очилса гулнинг дастига,
 Азроил жоннинг қасдига
 Намоз асир чоғи Аваз
 Чиқди Асқарнинг устига.
 Бориб Бешолчанинг остига
 Ағдарилиб отдан тушди,
 Тўрт отни тўрт ерга бойлади.

Гапнинг қисқаси, йўлнинг тўтаси, қўшхонани шу ер-
 га ташлаб, бу кеча шу ерда ётди, эрта билан тонг отди,
 илмлилар азон айтди. Авазхон ўқиб намози бомдотди.
 Кун ҳам чиқиб ёруғ бўлди. Шунда Авазхон жойидан
 туриб, аста келган изига қараса, оқ чотир, кўк чотир,
 ҳисоби йўқ бўлиб ётир, Боғдод мамлакатидан ҳисобсиз
 лашкар Авазхон билан изма-из келиб ётир. Авазхон
 қайитиб келиб, пирларининг ҳақиға дуо қилиб, Ғиротга
 аввали худо, дуюми пирларни ёд қилиб, Аваз Ғиротга
 миниб, лашкарга рўпара бўла берди.

Қорқонаси¹ қатланди,
 Ҳаво бети ғуборланди,
 Ғуборланганинг белгиси
 Аваз ўғлон отланди.
 Баланд тоғнинг боши жонади,
 Яратган пушти паноди,
 Болани парвариш қилган
 Билсангиз ота-энади.
 Гумбир-гумбир довул уриб,

¹ Узоқдан қорайиб кўринган нарса.

Чарх уриб давронлар суриб,
 Ғанимга бўлди рўпарўй,
 Раҳм айласин қодир худой,
 Остида ўйнайди бодпой,
 Бошидан ўлимдан бепарвой.
 От ўйнайди якка-якка,
 Чанглар чўзилди фалакка,
 Овшар кўпди, Аваз якка,
 Обрўй берсин ёлғиз бекка,
 Қордай тўшин тутиб борар
 Дўланадай ёққан ўққа.
 Эгар бошида зумрад добил,
 Баланддан пастга тушиб Авазхон
 Ларса-ларса уч марта добил отди.
 Урган добил машғулотига,
 Кўрмайсизми лайли Ғирот
 Ҳар бир добил урганда,
 Тўққиз газ осмонга учди.

Ана душманни кўрсангиз, добил сасини эшитиб, бир тош ерга қайтди. Шохдоршоҳ деган лашкарбоши қайтган лашкарни изига қайтаради.— Э, халойиқ, шунча ҳам кўп бўлиб, кўп йиллар тўп бўлиб, бир Авазнинг жасаидан қўйдаи қўрқиб қочасанми?—деди. Шохдор қилични яланғоч қилиб, ҳисобсиз ётган лашкарнинг Боғдодга қараб кетадиган томоннинг ер бетини чизиб олди.— Шу чизикдан ўтганингни, келаётган Аваздан қўрқиб, Боғдодга қараб кетганингни тилла бут, оташпараст авлиё, лоту монот урсин,— деб буларга онту қасам берди.

Сиёсатдан тўплар отди,
 Кўча-кўчани бўшатди,
 Қиличи тошга ботди,
 Уйнатиб лайли Ғиротди,
 Улмасин ботир Авазхон,
 Ғайри динга зарбаси етди.
 Аваз айтади пир устод,
 Шохдоршоҳ айтади лот-монот,
 Шундай деб икки ботир
 Бир-бирига бўлди бетма-бет.
 Осмонда бордир ёрқин ой,
 Ҳақ яратган қодир худой,
 Миршоб қўлида толпиниб,
 Чакаси олтин қарчиғай,

Улимдан бўлди бенаароӣ,
Узи тупроқдан, бошидан доӣ,
Улмасин ботир Авазхон,
Асло бадани ҳуржмайди,
Душманга бўлди рӯпарӯӣ.

Шунда Авазхон от устида туриб, авволи худо, дуюми пирларини ёд қилиб турган чоғи:

Қизил гул очилиб бўлди яғона,
Ёлғиз қулман Чамбилдан қилма бегона.
Раҳм айлагин мени ҳолу зоримга,
Барчани хол қилган якка-яғона.
Бу жойларда сарғаймасин рангу рӯйим,
Обод бўлсин чилтан солган мазгил-жойим,
Раҳм айлагин ёлғиз қулинг, илойим,
Барчани хол қилган қодир худойим.
Уйлаб турсам олисдир кирдикорим,
Сетимда ўйнайди минган тулпорим,
Ё ўлмасин-да ботир Авазхон,
Чамбилбелда дуоғўйим, тождори.
Отни майдонда елди,
Рустамнинг жанги бўлди,
Ким ўлиб кимлар қолди,
Ҳисобини олло билди.

Гапнинг қисқаси, йўлнинг тўтаси, айна намозшом ёруғ юлдуз, сув тегида кундуз, ғозога аралашгани бўлди тўққиз кечаю кундуз. Шунда ўлгани ўлиб, қолгани намозшом қоронғи бўлгандан кейин Боғдодга қараб қоча бошлади. Ана Аваз изига бурилиб қайтади. Қизларнинг қошига келгунча тонг ҳам отди. Авазхон отдан тушиб, қизлар отдан суяб олиб, бир офтоба сув бериб, аъзойи баданини пок қилди.

Шу ерда бир камар бор эди. Гўрўғли Аваз ўтишига-қайитишига керак бўлар,— деб ҳар хил зоддан эҳтиёт қилиб қўяр эди. Ана шунда Авазхон идиш-товоқларнинг ҳаммасини олиб бориб камарга солиб қўйди. Авазхон ўзи кўтарадиган тошдан йўндириб камарнинг оғзига қопқоқ қилиб қўяр эди. Тошни қучоқлаб, камарнинг оғзига қўйиб, Ғиротни минди. Қизлар ҳам учови учта отни миниб Авазхоннинг гирдини олиб, Чамбилга қараб бора берди тоғдан эниб. Гўрўғли султон Аваз мени ташлаб кетган,— деб олти ойдан бери дурбинга қараб ётар эди.

—Эй, Соқибулбул, мен таҳорат ушатиб келгунча, дурбин хато қолмасин, бир четдан Авазхон ўтиб кетмасин,— деб жойидан тура келди. Соқи дурбинга келиб сер солди. Шундай сер солган чоғида учта қиз Аваз билан тўрт киши, одамдан асли дол Фирот ғамза қилиб, калла чайқаб, пўлот сувлиқларни чайнаб, бойбича хотиндай алчанглаб, уч отнинг олдига тушиб, шу пилла Утапирга келди. Ана шунда Соқибулбул амир Гўрўғли султонга қараб, бир сўз деди:

Қаторингда гиркирайди қора нор,
Ғунчасидан тоза гуллар очилар,
Ўйлаб турсам хароб бўлди кирдикор,
Эй, султоним қўлдан кетди номус-ор,
Ота, деб зор йиғлашиб,
Қайси юртга ошиб кетган бачалар.
Аё бор, аё йўқ, яратган худо билади,
Бефарзанд султоним, сизда арзим бор.
— Тоғ бошини чалди туман,
Менга бўлган охир замон,
Гапир арзингни, жон болам,
Булбул Соқи, жон болам.
— Сизга гапирсам, қиблагойим,
Отини майдонда елади,
Куни битган банда ўлади,
Наълат сизга, ўлим бизга,
Суюнчи беринг, султоним,
Беномус қулинг келади.

Очилган боғда гулингиз,
Ободдир Чамбилбелингиз,
Наълат сизга, ўлим бизга,
Суюнчи беринг, бек ота,
Утапирнинг устидан келар
Тилаб олган ёлғиз улингиз.
Очилган боғда лолангиз,
Обод бўлиб Чамбил қалъангиз,
Наълат сизга, ўлим бизга
Суюнчи беринг, бек ота
Мана келди беномус болангиз.

Гўрўғли султон шундай келиб дурбинга сер солди. Авазхон тўрт отлиқ бўлиб, боши катта дарвозага келди. Қомати обдон букилди, қирдай жасади сиқилди. «Отанг ўлсин, қўзим, менга ўлим лозим»,— деди. Ана манжанинг остига йиқилди, бурнидан қони тўкилди.

Сигиниб имом Ризодан,
Ботир тўймайди газодан,
Йигирма бешда ўлса йигит,
Ёри қутилмас азадан,
Бисмилло, деб Авазхон
Қирди дарвозадан.
Ой нечага-нечага,
Булбул қўнар хивчага,
Авазхон бўлди равона
Гишти пухта тор кўчага.

Авазхон кела берсин, гапни бу ёқдан олинг.

Ана энди Шодмон мерган, Соқибулбул, Ёқуб сардор:
«Бу ишларни Аҳмад қилди, деб Авазхонга қайси бетимиз билан рўпара бўламиз, Аваз катта раста кўчадан жўнар, биз чаримгар кўчасидан чиқиб кетайлик,— деб учови чаримгар кўчасига равона бўлди. Авазхон ҳам дарвозадан кириб ўйлади: «Бугун бебозор куни экан, чойхоналарда саркардалар келиб ўтирган бўлса, улар широлға деса, хўржундаги мева-майиз ҳар қайсига бир чаңгал бериб ўтсам, уч кишига буларни берсам, бошқалар хафа бўлади. Чаримгарлик кўча шу бугун хилват, энди шундан кетмасам бўлмайди»,— деб кўчанинг ярмига келди. Булар ҳам:— Ассалому алайкум, Авазхон, ҳорманг,— деди. Авазхон:— Ваалайкум ассалом, саломат бўлинг, Шодмон мерган,— деди. Шунда туриб қўл қовуштириб:— Қани, Авазхон, широлға,— деди. Элбегининг қизи Оқбилак ойимни — Шодмон мерганга қуллуқлатди. Ёқуб сардор ундан кейин салом бериб, широлға сўради. Чамбилга хат олиб келган Ойдона қизни Ёқуббекка қуллуқлатди. Охири Соқи келиб:— Қани, бегижон, бизга широлға,— деди.

Авазхон шунда от тўхтатиб, жилов сақлаб, дарҳайрон бўлди: «Ҳай аттанг-а, бошқа юрса ҳам Соқи юрмаса керак эди. Ё отам Гўрўғлига бир гап бўлган, ё икки парига бир гап бўлган».— Хайр Соқи сардор, бул отам Гўрўғлига ҳам керак эмас, менга ҳам даркор эмас, бул икки бошдан сеники-да. Отам Гўрўғлининг олдига олиб борайлик. Бу кеча орадан ўтсин, эртага саломга келинг. Жамъи саркардаларнинг соғ-саломатлигини кўриб, бефарзанд султон отамнинг ҳақиға дуо қилиб, отам Гўрўғлидан тилаб олиб, халққа тўй-томоша қилиб бериб, сенга ижоблаб берармиз,— деб олтин бўсағага келди. Авазхон отасини бу ҳолда кўриб: «Ҳай аттанг, ҳар на бўлса менга бўлган. Ё ўғлим ўлган, ё қизим ўлган, бош-

қаға хеч гап бұлган эмас», — деб ранги бұздай бұлиб,
қаноти синган ғоздай бұлиб, Зарчаманга ұта берди. Зар-
чаманнинг кучасига бориб, одамдан ақлдор Ғирот гум-
бирлаб уч марта кишнаб, лопиллаб ерга чўкди.

Эй, чув-ха, жонивор,
Хар кун туғса менга туққан,
Сенга хеч гап бұлган эмас.
Роса жемингни жегин,
Чашмадан сувингни ичгин.
Чух, десам чопишдан қолма,
Очилган гулдайин сўлма.
Ғиротга тасалли бериб,
Жойидан турғизди Авазхон.

Олти ойдан берига кўп кесакнинг остида ётган дар-
возабон бобоси Ғиротнинг сасини эшитиб, аъзою бада-
нига куч пайдо бұлиб, кўп кесакни ағдариб ташлаб, рост
бұлиб жойидан турди. Авазхон келиб қолди. Шунда дар-
возабон Авазга қараб, бир сўз деди:

Эй, Авазхон, шопарингдан мойрилдинг,
Учай десанг, қанотингдан қайрилдинг,
Наълат сенга, раҳмат бизга Авазхон,
Ҳамхонангдан, қўш болангдан айрилдинг.
Боғларда ғунча гулингдан,
Иш келса, қилгин қўлингдан,
Шунқор тепганда белингдан,
Лаънат сенга, раҳмат бизга Авазхон,
Қўш болангдан, ҳамхонангдан айрилдинг.
Оқ айил, олтин туқангдан,
Оқ совут, марвар ёқангдан,
Шунча азобни кўрдинг
Азозил Аҳмад тоғангдан.
Қирқ олти сардор йиғилиб,
Икки кўзингнинг нурини,
Зор йиғлатиб Жузумкўз парини,
Қўш кокилидан билакка ўраб,
Гулнор билан Нуралини
Оёқ остига бойлади.
Аҳволатим шулдир Аваз,
Гапира берсам алам кўп,
Кўп гапиргандан фойда йўқ,
Кўзингдан тўкилгандир ёшинг,
Чамбилда йўқ экан ошна-билишинг.

Бир сорсончилик азиз бошингга,
Кўзинг тўлганди ёшингга,
Кўш болам, деб йиғласанг ўз бошингга.
Чамбилбелда сенинг тургилигинг йўқ,
Минг дол-вой қилсам ҳам, фойда йўқ,
То шу гўдакларни тошгунча,
Сенга бўлар кўз ёшинг овқат.
От устидан ҳо туш, ҳо тушма,
Қайси мамлакатга кетган бўлса,
Ахтариб энди шуларни топ.
Куйганидан ширин тилдан сўйлаб,
Шол билан бошини бойлаб,
Йиқилиб ётган Гўрўғлига қараб,
Оталигини ҳурмат қилиб,
Отдан ағдарилиб ерга тайлаб:
— Осмонда ёрқин ойим,
Ёлғиз қулман, сарғайди рангу рўйим,
Қараб турсам хароб бўлди мазгил-жойим,
Наълат сизга, раҳмат бизга, қиблагойим.
Не сабабдан савдо тушди бошима,
Жозойилнинг ўқи тегди бошима,
Рози бўлинг бош кўтариб,
От югуртиб, хизмат қилиб,
Давлатингдан еган ошимга,
Жойингдан рост бўп туриб,
Уринг қилични бошимга.

Г ў р ў г л и:

Шунқор тепиб майиб бўлди белим,
Туш отингдан, чопиб ташла,
Худодан тилаб олган ёлғизим,
Сенинг олдингда менга ўлим лозим.
Икки энанг йиғласин сочин ёйиб,
Мен ўлган сўнг қолсин кўкимди кийиб,
Туш отингдан, чопиб ташла, жон қўзим,
Чамбилбелда мурдам қолсин бесойиб.
Оқ айил тортилди олтин тўқасиз,
Оқ совут кийилсин марвар ёқасиз.
Туш отингдан, чопиб ташла, жон қўзим,
Чамбилбелда қолсин мурдам эгасиз.

А в а з:

Кийғир қушлар бирдай учар қиёда,
Лочин қушлар баҳра олар уёда,

Кун-кундан алаим бўлди зиёда,
Қайси бир чўлларда, на бор тоғларда,
Хамхонам, қўш болам ҳасрат билан
Қўли бойланиб йиғлаб кетди пиёда.
Наълат сизга, раҳмат бизга, бек ота,
Кўзим тирик қайтиб чопайин сизди,
Бир худойим сарсон қилганди бизди.

Г ў р ў ғ л и:

Ҳар на десанг, мен бўлайин,
Куним кетиб, мен ўлайин,
Қадду бастингдан тасаддуқ,
Мен отанг бўлсам, бўлайин.
Минг гапирсанг ҳам мендан фойда йўқ,
От югуртдинг ёлғончида очу тўқ,
Улдирмоққа мени кўзинг қиймаса,
Кетганларнинг изидан йўқлай бергин,
Энди кўзим, тақдирингда шул бор экан.

Авазхон Жазира чўлига, карвоннинг йўлига бедовни
қистаб, бир бошига ўлим тилаб, аждаҳордаин гурки-
раб, кета берди.

Кечаги кўрган тушдан,
Ҳиммат тилаб дарвешдан,
От думида қуюшқон,
От белига кар пуштон,
Шу ердан ҳамхонам, қўш болам
Ўтдими, деб йиғлаб боради.
Осмонда учган қушдан,
Кўзидан тўкилган ёшдан,
Бесоат кун чиққан экан,
Авалло бузрук Чамбил қўшдан.
Шу ерларда зор йиғлаб,
Устингдан қўш болам ўтдими,
Изидан ҳамхонам етдими?
Йиғлай-йиғлай Авазхон
Сўраб боради тоғу тошдан.
Қаторида қора норчадан,
От югуртиб тор кўчадан,
Суянган кўзим ўтдими,
Йиғлаб сўрайди арчадан.
Отилган қуш парангдан,
Гап сўраманг мендай гарангдан,

Суянган қўзим ўтдим,
 Йиғлаб сўрайди зарангдан.
 Ҳеч иш қутилмайди устидан.
 Очилган гулман, сўлайин,
 Ҳар на бўлса мен бўлайин.
 Елғончи фоний дунёдан,
 Ким тўйган ота-энадан.
 Учовингни зинда топсам,
 Изингдан тавоф қилайин.
 Аланг-алангдан ошиб,
 Улуғ дарёлардай тошиб,
 Дарди кўп бўлиб улашиб,
 Ана ўлмаган ботир Авазхон
 Йиғлай-йиғлай Сулдуз тоғдан ошиб.
 Тоғ бошини чалди туман
 Авазга бўлиб охир замон
 Ҳамхонам, қўш болам, деб
 Палопон тоғдан ҳам ўтади.
 Оқар дарёнинг оқиши,
 Кўздаң кетиб селоб ёши,
 Бир хотин уйда ўтириб эди
 Хамир муштлаб, кўзини ёшлаб.
 Бул муштипарга етишди
 Ҳамхонам, қўш болам, деб
 Йўлбарсдайин оҳ урган
 Ботир Авазнинг товуши.
 Осмон баҳра олиб ойидан,
 Қон кетиб рангу рўйидан,
 Мендай куйган бор экан, деб,
 Бу ҳам турди жойидан.
 Очилган боғда гулга,
 Кўзи тўлганда селга,
 Албатта шу ердан келар, деб
 Йиғлаб чиқди катта йўлга.

Ана шу ҳомонда Авазхоннинг икки кўзига қон қу-
 йилиб, ёлғиз бошига кун туғилиб бояги хотиннинг усти-
 дан келди. Шунда хотин Ғиротнинг бўйинини қучоқлаб
 Авазхондан гап сўрайди сўм юрагини доғлаб:

Мен бандаман, сизга қилсам арзу дод.
 Остингда қарсоқдай қотибди араби от,
 Мен билмайман не кечади оқибат,
 Салтанатли, саржиғали бадавлат.
 Мен сўрайман, қаерда қолди мамлакат,
 Йиғлай-йиғлай кўз ёшим бўлди овқат.

Бир бошингга мунча ўлим тилайсан,
Тоғлар устига чиқиб йўлбарсдай оҳ уриб,
Не сабабдан мунча ҳам йиғлайсан?
Кун-кундан аламим бўлган зиёда,
Қийғир қушлар бирдай учар қиёда,
Лочин қушлар баҳра олар уяда,
Не сабабдан мунча ўлим тилайсан?
Айтгин, ёлғончила ниманг ўлган?

А в а з х о н:

Олис қолган кирдикорим,
Остимда ўйнар тулпорим,
Ёлғончидан ўчган чироғим,
Қўлдан кетган ихтиёрим,
Галадан йўқ бўлибди,
Бир эмас, учта норим.
Ўзим Чамбил вилоятдан,
Келарман учта норимни йўқлаб,
Мерган бўлиб қашқа парангни ўқлаб.
Уч бирдай норимдан айрилиб,
Учай десам қанотимдан қайрилиб,
Мен йиғламай ким йиғласин.
Минган отим бор ўйинчи,
Шеробод пастида Чўйинчи,
Уч норимдан ким берса хабар
Еб ётса ода бўлмас суюнчи.

Х о т и н:

Йиғай дунёнинг хасини,
Айтай гапимнинг росини,
Оғамжон, сиздан сўрайман,
Айтинг норингнинг белгисини.

А в а з х о н:

Бош норимнинг белгиси —
Минг тумандан овсар нўхта,
Ўрта норимнинг белгиси —
Минг тумандан жаҳазпўши,
Ғашти норимнинг белгиси —
Минг тумандан айил-пўшти.
Бу ёлғончи фоний дунёда
Эй, яратган, сарсон киши,

Не сабабдан аза чалдинг,
Сен эдинг кимнинг қалам қоши?

Хотин:

Елрончида мен йиглайман зор-зор,
Узимман бир куюкли муштингар,
Энди мендан гап сўрасанг,
Елгончи фоний дунёда
Бош эгам эди Малла савдогар.
Эй оғажоним, мен айтай эшитинг:
Минг тумандан овсар нўхта
Нурали ўглинг эмасми?
Минг тумандан жаҳазлушинг
Гулнор қизинг эмасми?
Минг тумандан айил-пўшти
Жузумкўз ёринг эмасми?

Авазхон:

Майдонаро от чопарман,
Жон синглим, ростин айтгин
Уларни қайдан топарман?

Хотин:

Мен сизиниб Муртозадан,
Аламим бўлди тозадан,
Эй оғамжон, от югуртиб
Ошиб тушинг бул газадан.
Чангийди тоғнинг дараси,
Ўзингиз Чамбил тўраси,
Кўзингизга кўринади
Бир майдон чорбоғ қораси.
От югуртиб борасиз,
Шу чорбоғнинг остидан
Йўқлаганингизни топарсиз.

Ана шунда Авазхон от бошини буради, газадан нармон ошиб чорбоғ қорасини кўради. Бу энди бораберсин. Нуралихондан гап эшитинг.

Нурали бир тошга бошини қўйиб, хумор кўздан ёш қўйиб, очликдан ҳолати кетиб, уйқуга кетди, уйқусининг орасида ажаб бир тушларни кўрди. Кўрсаки, отаси келибди. Унг тиззасига Нуралини олиб, чап тиззасига

Гулнорни олиб, пешонасига Жузумкўз ёрғини олиб, учовини тус-тугал кўриб, хўржиндан нон чиқариб, тандир гўшт, ҳар хил широзорлардан олдига тўкиб ташлади. Нурали емоқчи бўлиб қўлини узатди, уйқудан уйғониб кетди. Туриб қараса, отаси тугул, шир ҳам йўқ, иккови тугул, бир ҳам йўқ. Ирғиб жойидан туради, қўлига таёқни олади, сер солиб қаради. Қўзилар ўтлаб ором олиб ётибди. Шунда Нурали: «Опамнинг олдига борайин, кўрган тушимни баён берайин. Агар нарча-пурча нон бўлса, сўраб олиб еб келайин»,— деб югуриб опасининг олдига келди. Таёқни ерга тираб, кубини вишайтган Гулнорга қараб, бир сўз деди:

Отнинг бошини бурдим,
Худойим лойиқ кўрса,
Ёлғончида давр сурдим.
Эй, опаёон, мендан сўрасанг,
Ногаёон битта туш кўрдим.
Отни майдонда желибди,
Тушимда отам келибди.
Мени ўнг тиззасига,
Сени чап тиззасига
Энам ўлтирибди тос манглайида.
Оқ юзимдан товоф қилиб,
Йиғлай-йиғлай бағрини ковоб қилиб,
Хуржундан кўп нозу неъматларни
Ташлади дастурхонни ёзиб,
Ана мендан гап эшитсанг,
Қолдим емасдан туриб,
Шу тушни кўриб келдим сенга,
Яхшиликка жўраб бергин менга.

Гулнор:

Баробар ақл-ҳушингдан,
Тоймасин давлат бошингдан,
Опанг бўйингдан тасаддуқ,
Опаёон, кўрган тушингдан.
Кетгин, қўзи, ўтлов молингга
Тағи жондор келиб доримасин,
Бир четдан ногоёон урмасин.

Нурали:

Утар дунё, чиқар жон,
Ҳар гиёҳдан териб дон,

Юрайин десам, опаюн,
Ҳафсала-ҳаракатим йўқ,
Қолмади танда дармон,
Бор бўлса бергин парча нон.

Гулнор:

Тоғ бошини чалди туман,
Опанг бўйингдан тасаддуқ,
Менда қаёқда парча нон,
Жуда ҳаракатдан кетган бўлсанг,
Ичсанг берайин аччиқ айрон.

Нурали:

Уйласам, кунлар ўтмайди,
Кун ўтса, тонгим отмайди,
Айронни қандай ичайин,
Оч юрагимга ботмайди.

Гулнор:

Худой қайишсин ҳолингга,
Таёқни тутгин қўлингга.
Менда бўлмаса берай десам нон,
Шу вақт бизга охир замон.
Тез-тез молингга кетгин.
Қадди бўйингдан, тасаддуқ,
Опанг айласин-да сендан.

Нуралихон изига қайтди. Авазхон ҳам от югуртиб шу замон чорбоққа етди. Очилса гулнинг дастига, келди Бектошнинг қасдига. Авазхон отдан ағдарилиб ҳовузнинг ёқасига, шосупанинг устига ўзини ташлади. Фиротни бойлаб, ҳассани ерга тираб, кулоҳни бошидан олиб, ҳассанинг бошига илиб, қолди энди ёнбош ташлаб. Энди гапни Жузумкўздан эшитинг.

Бир орқа тараша ўтин кўтариб, чошка-чошка уйнинг олдига ташлади. Бектошнинг тўққиз хотини бор эди. Ун саккиз қиз, ўн саккиз ўғил — ўттиз олти фарзанди бор эди. Тўққиз хотин қўлида таёқ Жузумкўзга нимхез бўлиб:— Эй, модахар, энди қачон хамир қилиб нон пиширасан,— деб ғазаб қилди. Шунда Жузумкўз йиғлай-йиғлай кўзани олди, ҳовузга қараб равона бўлди. Шундай қараса, Авазхонни кўрди: бир қаландар ётибди, жасади нурга ботибди. Жузумкўзнинг аъзойи баданида

ҳеч кийими йўқ. Бериб сув олмақликка қаландардан шарм қилиб: «Гулнорнинг олдига борайин, кубини пишиб турайин, унинг ҳам кийими йўқ, мендан кўра ҳар на бачароқ»,— деб Гулнорнинг олдига борди.— Э, болам, қаландар ҳам кўп юришли одам бўлади, ҳар бир мамлакатларни кўради. Шарм қилсанг ҳам, сен мендан бачароқ. Ҳовуздан бир кўза сув олиб, сўра қани, Чамбилбелни ҳам билармикан,— деди. Шунда Гулнор кўзани олиб, дарчага келиб, орқасини деворга бериб, кўзани олдига олиб, кўзага суяниб туриб, Авазхондан гап сўрайди:

Саҳар туриб кўчар карвон,
Минсангиз ўйнар бўз тарлон,
Эй, сиздан сўрайман, бобожон.
Ҳам ичилган боғда гулди,
Сўйлатаман ширин тилди,
Сиз ҳам кўп юришли одам,
Дардим қилди қанча ситам
Биласизми Чамбилбелди?

Шунда Авазхон:— Матлабим олло-таолодан. Эй, кўзим, ўзим ҳожи бўламан, Каъбатуллодан келаман. Аваз деган мард бор экан, Гўрўғли бадавлат бор экан. Авазхон Боғдод вилоятига бир қизнинг изидан қувиб кетган экан. Аваз кетгандан сўнгра хотини билан икки боласини Аҳмад бозорга чиқариб сотган экан. Бунинг қўлидан Малла савдогар қутқариб олган экан. Бачаларни тарбия қилиб, то Аваз келгунча, деб савдогар саройда ётган экан. Бир ҳафта-ўн кундан кейин Аҳмад савдогар билан кўп жанжал қилиб, савдогарни чиқариб ҳайдаган экан. Шу ҳамонда Авазхон шу кетишида Боғдод мамлакатига етган экан. Боғдод мамлакатидан учта қиз совғати олиб Чамбилбелига келган экан. Келса, жойлари хароб бўлган, ғунчадай гуллари сўлган, бир қиёмат Авазга бўлган, болаларини йўқотиб, қора калласи чанг бўлган, Авазнинг аҳволи танг бўлган, юзи ер билан тенг бўлган, аттанг-а дариг, деб болаларининг доғига уч кун ётиб Аваз ўлган. Келдим Чамбилнинг устидан. Авазнинг арвоҳига ош худойи бериб ётган экан. Мен ҳам дуойи-фотиҳасини бериб келишим Чамбил қалъадан, от чопдим дашти далдан,— деган вақтда, Гулнорнинг:— Мен ўлайин, отам,— деб ойдаи қомати букилди, қирдай жасади сиқилди, кўзаси қўлидан қочиб, ҳовуз ичига бориб ғарқиллаб қолди, дустуман бўлиб йиқилди, кўзидан ёши

тўқилди. Бетига тирноқ солиб, кундуз сочини юлиб:—
Куним битиб, мен ўлай,— деди.

Бойловди турибди араби от,
Авазхонда қолмади тоқат:
— Очилган гулдайин сўласан,
Ўз бошингга ўлим тилайсан,
Эй, қўзимжон, айтгин ростини,
Авазхонга нима бўласан?
— Тоғлар қорли, йўллар туман,
Қизил юзим бўлди тубан,
Бир бошимга охир замон,
Айтгулигим йўқ, бобожон.
Худойим берсин-да ўлим,
Энди танг бўлди-да аҳволим,
Шунқор тепиб синди белим,
Авазга нима бўласан, деб сўрайсиз,
Айтмоққа бормади, қирқилсин тилим.
Учмасин ёлғончидан изи,
Сарғаймасин Нурали юзи,
Сиз сўрадингиз, айтай, бобо,
Мен эдим Авазнинг эрка қизи.
Олис қолган Чамбил дўзи,
Ёлғончидан ўтган бўлса изи
Айитгулитим йўқ, бобожон.
Мен эдим Авазхоннинг қизи.
Осмонда бор ёрқин ойим,
Раҳм айласин, бобожон,
Мен айтайин, бобожон
Авазхон эди қиблагойим.
Осмон баҳра олиб ойидан,
Кўрган қувонади бўйидан,
Отанг ўлсин, қўзим, деб
Оҳ тортиб турди жойидан.
Баланд тоғларнинг қастидан,
Отанг ўлсин, қўзим, деб
Ташлади супанинг устидан.
Отни майдонда желади,
Куним битиб банда ўлди,
Отанг ўлсин, болам, деб
Ер бағридан қучоқлаб олди.

Ана Авазхон қучоқлаб олиб, супанинг устига, отнинг
олдига олиб келиб, ой юзидан тавоф қилди.

Оқар дарёнинг оқиши,
 Шу бўлар гатнинг равиши,
 Жузумкўзга етишди
 Бу икковин товуши.
 Иш келар қилса қўлидан,
 Кўзи тўлганди селидан,
 Шунқор тепгандай белидан,
 Тепди кувининг белидан.
 Фарқирлаб ерга тўкилди,
 Ёғу айрон ҳайрон қолди.
 Ёринг бўлсам мен ўлайин,
 Ҳар на десанг мен бўлайин,
 Худо етқарган бўлса сизни,
 Изингдан тавоф қилайин.
 Тоғ бошида тўққиз тарам,
 Олдингизда ўчсин қорам,
 Сумбул сочим ўрам-ўрам,
 Амалинг султон боқарам,
 Эй, тасаддуқ, йўлбарс тўрам,
 Кўрар куним бормикан,
 Қўлидаги номус-ормикан.

Жузумкўз паризод Авазхонни уч айланиб тавоф қилди. Авазхон сер солиб қараса, Жузумкўзнинг рангу рўйи машғалдай ёнган, хумор кўз косага кириб кетибди. Яғринидаги сунбул сочи қўй тўнидайин қотибди, ранглари бир ҳол бўлиб, ўларига яқин етибди.

Шу вақтда бек Нурали бир тошнинг устига чиқиб қаради. Опаси билан энаси бир қаландарнинг бўйинини қучоқлаб, йиғлаб турганини кўради. Туф, деб туриб таёғини ушлаб, хумор кўзини ёшлаб, нор туядай ангишлаб: «Борайин, ҳай аттанг, эссиз отамнинг ўлди-тирилди хабари бўлмай, отамнинг оқини оқламай, кўкини кўкламай, иккови бир қаландарни топиб, кетарга машғул бўлиб, кетар йўлини ростлаб, мен эсига келмай, кетмоқчи мени ташлаб»,— деб жўнай берди. Ана шу чоқда Авазхон ой Гулнордан сўрайди, сўм юраги ҳансирайди:— Икковингни кўрдим зинда, сира юрмайин бу кунда, Нуралижон қайда?— деди.

Отни майдонда желдирдим,
 Олмосни белга чалдирдим,
 Бугун уч кун бўлди, қиблагойим,
 Бир оғиз нон топиб беролмай,
 Нуралихонни очдан ўлдирдим.

Отанг ўлсин, қўзим, деб
 Ойдай қомати букилди.
 Қирдай жасади сиқилди,
 Иккови бу ерда қолди,
 Дустуман бўлиб йиқилди.
 Шу ҳолда бек Нуралихон
 Қўлига таёғини олиб,
 Айт калиманг қаландар, деб
 Югуриб етиб келиб қолди.
 Сиёсатдан тўплар отган,
 Қўча-қўчани бўшатган,
 Уч ёшинда Нуралихон
 Жасади нурга ботган.
 Отанг ўлсин қўзим, деб,
 Менга ўлим лозим, деб,
 Қучоқлаб олди Нуралини.
 Бесойибнинг моли мувоб,
 Бефарзанднинг бағри кавоб,
 Отанг ўлсин қўзим, деб
 Оқ юзидан қилди тавоф.

Ана шу чоқда омон-эсон, соғ-саломат учовининг жони ором топиб, учовининг олдига хуржундан тандири ширвоз гўшт, ширмой нон, ҳар хил ширавор чиқариб, дастурхонни ёйиб ташлади:— Сизлар ей беринглар,— деди. Олмоснинг сопидан тутиб, ичкарига етиб борди. Бектошнинг тўққиз хотини, ўн саккиз қиз, ўн саккиз ўғил — ўттиз олти фарзандини олмос дамидан ўтқариб, ер билан яксон қилди. Бир неча қатор болохона бор эди. Қаторида иморатлар қулар эди. Зинага оёқ қўйиб аста-аста чиқиб борди. Энг устки болохонада Бектош уйқуда эди. Урта белидан қилични ташлаб, олти нимта қилди. Бектошнинг соқоли тагидан хазина-дафинанинг калити бор эди. Калитни олиб пастга тушиб, қатор иморатни очиб кела берди. Энг кейин катта хона бор эди. Бунда беш юз банди бор эди. Беш юз бандининг аҳволига қараса сочлари белига тушган, мўйловлари оғзига тушган, оёқ-қўлининг тирноғи капча-белдай ўсиб кетган. Улар бири-бирини итаришиб:— Менга эмас, бунга навбат,— деб бетоқат бўла берди. Авазхон:— Эй, халойиқ, қўрқманглар, мен сизларни азобдан қутқараман,— деб бўйниларидан занжирни олиб, соқит қилди:— Эй халойиқ, у молу дунё сизларга, баҳузур еб ёта бер. Агар мамлакатингга кетар бўлсанг, бу молу дунёдан кераклигини ола бер,— деб иккита отни олиб Авазхон ташқарига чиқди.

Болаларнинг олдига келди. Ғиротни Нуралига миндирди. Бир отга эни-бошини созлаб Гулнорни миндирди. Бир отга Жузумкўз билан бирга мингашиб, Чамбилга қараб от буриб, Малла савдогар уйига етиб келди.

Ойлар қиблага ботди,
Бу дам ҳам ғаниматди.
Савдогарнинг хотини,
Эшитсин худо додини,
Ииғлаб чиқди сочин ёйиб,
Савдогар кўкини кийиб,
Уч айланиб Ғиротдан,
Зиёрат қип, тавоф қилиб,
Бек Нуралини қучоқлаб,
Тушириб олди Ғиротдан.
Бугун машалга раво,
Гуноҳдан бўп бесуво,
Дардига берсин даво,
Ана қўл очиб Авазхон,
Ошнасига берди фотиҳа.
Уйласа, дунё ўтди,
Бу дамлар ҳам ғаниматди,
Савдогар арвоҳига дуо қилиб,
Фотиҳани бетига тортди.
Қассоб олиб сўйдириб,
Эшикдан қозон қўйдириб,
Муштипар савдогарнинг хотини
Неча турли оби таомлар қилиб,
Иzzат қилиб келган меҳмонди,
Тўққиз турда таом қилди.

Улмасин ботир Авазхон, йўқолганларни тус-тугал топиб келиб, Чамбил мамлакатига жўнамоқни талаб қилди. Ана энди бу от бошини буриб ҳайдай берсин, Гўрўгли султондан гап эшитинг.

Гўрўгли султон Авазни бу ёққа жўнатиб, гаргарлаб карнай тортди. Жарчи чақирди пештоққа. Кела бер, деган товуши кетди қишлоқ-қишлоққа. Шу вақтда тўрт ярим лак туркман эл, ўн икки минг манжасувор, қирқ олти сардор, кулли намакхўрда — ҳаммасини йиғиб жам бўлди. Баракалла, Гўрўгли султон халойиққа чулон берди. Энди Гўрўгли султон халққа қараб, икки оёғини ерга тираб, аждаҳодайин гуркираб, жамъи устани айириб, олиб, Авазхон жойига иш бошлаган эди. Авазхон келишига лаълдан, зумратдан, ёқут, гавҳар, феруза тошлар

дан чортараш қилиб йўндирди, дарвозалар панжарасига, гулҳовузлар шосупасига намоёншига қўндирди. Боғу чорбоғ, гулу гулзор, аввалги нусхадан неча зина зиёда қилиб, соз қилди. Супаларнинг ёқасига, ҳовузларга сув келиб, меҳмонхона, шарбатхоналарга гулу райҳондан эктирди. Кўчама-кўча пухта ғишлардан тўшаб тахтиравон йўл солди. Чоқ қилиб қўлдан чиқарди. Дарвозага Аҳмадни қўлтиғидан осган эди. «Э, халойиқ, саломга келганинг ҳам, саломдан кетганинг ҳам Аҳмаднинг қорнига бир муштлаб кирасан, бир муштлаб чиқасан. Агарда Аҳмадга раҳмдиллик қилиб, бирортанг муштламасдан кириб-чиқсанг, бошинг—ўлимда. Молинг—таловда, етмиш беш таёқ орқанга уриб, етмиш беш таёқ қорнингга уриб, мамлакатдан ҳайдатарман бенасиб қилиб»,— деб қичқирган эди. Шу сабабдан саломга киргани ҳам бир муштлаб киради, чиққани ҳам бир муштлаб чиқади. Ана бу ерда тура берсин, сўзни Авазхондан эшитинг.

Утапир дашига келди. Шунда Гўрўғли султонга неча кишилар суюнчи, деб қолди. Олдин келганига беш қаватдан тўн берди, лаганлаб тилла берди, кейин келганига уч қаватдан тўн берди. Авазхоннинг устига дунёни сочиб, қизу жувонни ўйнатиб, тар меваларни чайнатиб, сиёсатдан тўплар отиб, кўча-кўчани бўшатиб, дарвозадан киргандан сўнг соп катта қалин гиламлардан Авазхонга поёндозлар тўшатиб, мушку анбарни ушатиб, гаргарлаб карнай тортди, полопони ғижжак чертди. Қўрмайсизми, султон Гўрўғли бобонг ўлсин, деб Нуралихоннинг оқ юзидан тавоф қилди. Шу кеча орадан ўтиб, отасига меҳмон бўлиб, эртаси чошқа Гўрўғли султон ҳукм қилиб, тўққиз шабрўз тўй берди. Тўй ҳам ўтиб тамом бўлди. Қор ёғиб из босилди. Гўрўғли султон, намакхўр саркардалар, ҳамманинг кўнгли ором бўлди.

Аҳмаднинг Ойбаланд деган қизи бор эди, Гўрўғли султоннинг оёғига бош уриб, отасининг гуноҳини тилаб келди қуллуқ қилиб. Шунда Гўрўғли туриб айтди:— Ихтиёр менда эмас, бориб Аваздан сўра. Қиз Авазхонга келиб салом берди.

О й б а л а н д:

Мен бандаман, сизга қилсам арзу дод,
Танда жоним бешгина кун омонат.
Ширин тилли, лабзи болли, акажон,
Қулоқ солинг икки оғиз арзим бор.

Муштипарман, кеча-кундуз жилайман,
Арзим шулдир, қабул қилинг, акажон,
Улсин отам, гуноҳини тилайман.

А в а з:

Отим майдон ора желмайман,
Эгри ён олмосни белга чалмайман,
Хотинимдан бориб сўра, Ойбаланд,
Ихтиёри менда эмас, билмайман.

Ойбаланд Жузумкўз олдига келди:

Муштипарман, мен йиғлайман зор-зор,
Бандаман десин яратган парвардигор,
Ширин тилли, хипча белли, опажон,
Улсин отам, гуноҳини тилайман.
Учай десам, қанотимдан қайрилдим,
Уйлаб турсам шопаримдан айрилдим,
Гуноҳкор, осий отамнинг дастидан,
Уйлаб турсам, кирдикоридан айрилдим.
Узим шоир, гапни гапга улайман,
Гуноҳкорман, бир худога жилайман,
Арзим шулдир, қабул қилинг, опажон.
Улсин отам, гуноҳини тилайман.

Ж у з у м к ў з:

Азиз бошга рўмолимни чалмайман,
Кун туғмаса, мен бандаман, ўлмайман,
Икки юзим нурли эди, Ойбаланд,
Ихтиёри менда эмас, билмайман.
Хипча белли, нурли юзли, Ойбаланд,
Тебраниб жойингдан тургин,
Гулнорнинг қошига боргин,
Қизил тилингни сўйлатгин,
Рўмол билан бел бойлатгин,
Бориб, Гулнордан сўра, Ойбаланд.
Ойдай ранги гулдай сўлиб,
Аҳмад отасининг дастидан
Қиличлар бўйнига солиб,
Ой Гулнор олдига келиб,
Қуллуқ қилиб, таъзим бериб,
Икки қўлни тўшга олиб:
— Аҳмад қизи мен йиғлайман зор-зор,
Эндиликда обод бўлсин кирдикор,

Хипча белли, ширин тилли, Гулино́р,
 Эшит, Гулно́р, сенга айтар арзим бор.
 Тоғларга чуқар буктар қор,
 Қўлидан кетмасин номус-ор,
 Ширин тилли, лабзи болли
 Ой Гулно́ржон, арзим бор.
 Субҳи саҳар хуни жигар жилайман,
 Ширин тилли лабзи болли Гулино́р,
 Бобонг ўлсин, гуноҳини тилайман.

Шунда Гулно́р жойидан туриб, ёшининг катталигини ҳурмат қилиб:— Хайр, опа, ихтиёр қилиб менга келган бўлсанг, азиз бошга рўмол чалиб, жазира чўлда, тоғма-тоғда қайси душман қўлига оҳу ҳасратда гирифтор бўлди. Энди биз кўрдик, бундан бу ёққа ҳеч ким кўрмасин, биз кўрган азобларни ҳеч бир бандага солмасин. «Қор ёғди — из босилди», «Бош ёрилса — қалпоқ тагида», «Қўл синса — енг ичида». Биздан бир озгина давлат қайтди, биз ҳам кўрдик тақдирдаги меҳнатди. «Султон суягини хўрламас, бедов от чоғиб терламас». У кунги бобомиз хўрласа ҳам, биз бобомизни хўрламасмиз. Ҳар ким қилса, ўзига қилар. Қўлингизга рўпоқчани¹ олинг, кўрганларнинг касофати шу. Эй, опа, Нуралихон билан бир жойда уч кечаю уч кундуз вақтихушлик қилинг, уч шабрўздан кейин кун битиб отангиз ўлмаса, ана сўнг айириб олинг,— деди. Ойбаланд хўп, бўпти, деб, унга давр қуллуқ қилиб, неча мартаба маъзур қилибди.

Тор кўчаларда тенгсалиб,
 Ҳам юрганди бели толиб,
 Унг қўлини тўлғаб олиб,
 Бошига рўмолини чалиб,
 Нуралихоннинг олдига келиб,
 Гулно́р қилди ишорат,
 Пирлардан тилайди ҳиммат.
 Оқ билагини Нурали шу вақт
 Оширди Ойбаланд бўйнидан.
 Қоқилиб чиққан Чамбил дузидан,
 Отаси йўқлай-йўқлай,
 Топиб келибди изидан,
 Келдингми азозил қизи, деб,
 Искай берди ойдаи юзидан,
 Чангал узатиб беғижон

¹ Белбоғ, рўмолча.

Ушлади икки безидан.
Балхи рӯмоли бошидан,
Кўзи тўлмасин ёшидан.
Оқибат шу Аҳмад қизи, деб,
Қўл солди қордай тўшидан.
Ойлар қиблага ботди,
Уйласа, дунё ўтди.
Шундай қилиб Ойбаланд
Айириб олди Аҳмадди.
Яхши етди муродга,
Ёмон қолсин уятга,
Ёмон қолиб не бўлар,
Барча етсин муродга.

Соғу саломат, омон-эсон йўқлар топилди, обрўй
ёпилди. Ҳаммаси жам бўлиб, ёлғончидан ўйнаб-кулиб,
муроду мақсадига етди.